

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 658**

ХОЛМУРАТОВА ГЎЗАЛ МУРАДОВНА

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ИЖАРАСИ ҲИСОБИ ВА УНИ
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230901-«Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Ризаев Н.К.

ТОШКЕНТ-2014

**Диссертация Тошкент молия институтини «Бухгалтерия ҳисоби»
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар

и.ф.н., доц. Ризаев Н.К.

Кафедра мудири

и.ф.н., доцент Болибеков Б.О.

**Магистратура бўлими
бошлиғи**

и.ф.н., доцент Ортиқов У.Д.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I-БОБ АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ИЖАРАСИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ижара муносабатларининг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий асослари.....

1.2. Асосий воситалар ижараси ҳисобининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.....

II-БОБ АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ИЖАРАСИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Оператив ижарага олинган ва берилган воситаларни ҳисобга олиш.....

2.2. Ижарага олувчида молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби.....

2.3. Ижарага берувчида молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби.....

III-БОБ АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ИЖАРАСИ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Асосий воситалар ижараси бўйича халқаро тажриба

3.2. Ижарага олинган асосий воситалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш (МҲХС-17 ва БҲМС-6)

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Иловалар.....

КИРИШ

Диссертация иши мавзусининг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутадиган жаҳон андозалари даражасидаги янги техника билан таъминлашда молиявий маблағлар билан иштирок этаётган молия институтлари, шу жумладан, хўжалик субъектларининг ижара (лизинг) муносабатларига фаол жалб этилаётганлиги кўзга ташланмоқда.

Иқтисодиётдаги хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эгалари ҳар доим ҳам кредит олиш имкониятига эга бўлавермайди. Шу сабабли, ноанъанавий молиявий воситалар ижарасининг бир тури бўлган лизинг хизматига эҳтиёж пайдо бўлди. Ушбу хизмат тури ҳам миқдорлар, ҳам тижорат банклари учун бирмунча маъқул бўлганлиги сабабли, ривожлана бошлади. Бундай операцияларнинг ривожланиши туфайли хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилаётган ижара муомалалари ҳисобини янада такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга ега бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил етилмоқда.

Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда.¹

Юқорида келтирилган маълумотларга асосан мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган иқтисодиёт тармоқларининг турли бўғинларидаги ўз тармоғи доирасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобини, жумладан, асосий воситалар ижараси ҳисобини ташкил қилиш ва ривожлантириш масалалари бўлиб, ушбу масала бўйича сезиларли даражада илмий амалий ишлар олиб борилди.

Ҳозирги кунда ижара кўпгина давлатларнинг корхоналарининг инвестицион сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ижара операциялари билан тўйинганлик ва кенг ёйилганлиги мамлакатнинг иқтисодиётини ривожланганлиги кўрсатувчи ўзига хос кўрсаткич ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватларини замонавий ва самарали машиналар, асбоб-ускуналар билан алмаштириш муҳим вазифалардан биридир. Дунёда ушбу масалаларни ечишда замонавий ва юқори самарали техника ва технологияларни молиявий ижара шартномаси бўйича харид қилиш муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, ижара муносабатларининг ишончли бухгалтерия ҳисоби корхоналар томонидан ижара объектларидан фойдаланиш натижаларини объектив акс эттириш имкониятларини яратиб беради. Президентимиз И.Каримов томонидан эътибор қаратилган ўта муҳим ва ўзига хос жиҳат, ўтган давр мобайнида республикамызда инвестиция фаоллиги ва бунинг натижасида асосий воситаларни ижарага беришнинг сезиларли даражада ошганлигидир. “Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва

¹ Президент И.А.Каримовнинг “2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 17 январь 2014 й.

ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди”².

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг тадрижий ривожланиши корхоналарда асосий воситаларни замонавийлаштириш ҳамда технологик жиҳатдан янгилаб боришни тақозо қилади. Бу эса кўп жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ва уларни эскиришини тўғри ҳисобга олиш ҳамда улар юзасидан ўтказиладиган аудитни оптимал вариантда ташкил этишга боғлиқдир. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, ушбу тизимда миллий стандартларнинг амалиётга киритилиши корхоналарда бу турдаги активларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг янгича тартибини белгилаб бермоқда.

Корхоналарда асосий воситаларни ижарага беришда уларнинг қиймати, хизмат муддати, ҳолати, янгиланганлик даражаси, уларга эскириш ҳисоблаш, сифати ва уларнинг самарадорлиги каби кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижара муомалалари ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш магистрлик диссертациясининг долзарблиги ва мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради.

Диссертациянинг ўрганилганлик даражаси. Асосий воситалар ижараси ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш назарий, услубий ва амалий жиҳатлари бир қатор хорижий ҳамда республикамиздаги етакчи олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, мазкур масалани тадқиқ этишда хорижлик олимлар орасида: Л.И.Гехт³, В.А.Горемыкин⁴, В.В.Дементьев⁵, Ю.Б.Долгушина⁶, А.А.Иванов⁷, В.П.Кокорев, В.В.Попова⁸, В.Штельмах⁹, М.А.Медведев¹⁰ ва бошқаларнинг роли катта бўлган.

² Каримов И. А. “Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”.-Т:”Ўзбекистон”, 2010 й.- 77 б.

³ Гехт Л.И. Практика лизинга. М.: Буклет, 1992.

⁴ Горемыкин В. А. Основы технологии лизинговых операций: Учеб. пособие. М.: Ось - 89, 2000.

⁵ Дементьев В.В. Лизинговая деятельность в РФ, 1998

⁶ Долгушина Ю.Б. Лизинг. М.: Бератор-Пресс, 2002.

Таниқли иқтисодчи олимлари қаторида Республикамизда фаолият кўрсатаётган бир қатор етакчи олимлар ҳам лизинг фаолияти, ижара муомалалари ҳисоби ва уни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари тўғрисида ўз изланишларида тўхталиб ўтганлар. Жумладан; А.А.Каримов, Э.А.Ақромов, Д.К.Кудбиев, З.Т.Маматов, Х.Н.Мусаев, А.А.Сотиволдиев, Д.Г.Газибеков ва бошқалар ўзларининг илмий асарларида, мақолаларида, матбуот чиқишларида ижарага олинган асосий воситалар жамият тараққиётида ўрни ҳақида ва бу соҳани ривожлантириш борасида кўплаб амалий ва назарий маслаҳатлар таклиф этишган.

Диссертация ишининг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида турли мулкчилик шаклларида асосий воситаларни ижараси ҳисобини юритиш, уларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш.

Диссертация ишининг вазифалари. Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, унда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- Асосий воситалар ижарасини ҳисоби ва уни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича олимларнинг ва амалиётчиларнинг фикрларини ўрганиб чиқиш;
- Турли мулкчилик шаклларида асосий воситаларни ижара ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- Асосий воситалар ижарасининг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти ҳамда ҳисобини такомиллаштириш;
- Асосий воситалар ижара тўловларини ҳисоблаш услубиёти ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- Асосий воситалар ижарасини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича методик курсатмалар ишлаб чиқиш;

⁷ Иванов А.А. Договор финансовой аренды (лизинга): Учеб.-практ. пособие. М.: Проспект, 2001.

⁸ Кокорев В.П., Попова В.В. Лизинг аграрных машин в Сибири. -Новосибирск: Институт экономики и организации промышленного производства, 1998.

⁹ Штельмах В. Лизинг и банковский кредит на приобретение основных средств: сравнение эффективности. М.: Финансы, 1999.

¹⁰ Медведев А.М. Аренда: учет и налогообложение. М.: Книжный мир, 2002.12S.

- Асосий воситалар ижарасини халқаро стандартлар асосида счётлар режасида юритилишини ўрганиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертация ишининг объекти. Тадқиқот объекти этиб «Резаксой сув қурилиш» унитар корхонаси белгиланган.

Диссертация ишининг предмети. Диссертация предмети эса, хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ижараси ҳисобини ташкил этишга доир ҳисоб ҳужжатлари ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Диссертация ишининг назарий ва услубий асослари. Илмий изланишнинг назарий методик асосларини хорижий ва ўзбек иқтисодчи олимларнинг бухгалтерия ҳисобига доир асарлари ташкил этади. Тадқиқот предметини тадқиқ қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, Хўжалик-процессуал Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вазирликларнинг шу соҳага тааллуқли бўлган меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ривожланишини акс эттирувчи статистик ахборотлар, корхоналарнинг йиллик ҳисоботлари, шунингдек илмий журнал, рўзномаларда чоп этилган мақолалардан фойдаланилди.

Диссертация ишининг методлари. Диссертация ишида диалектик ва дедуктив усуллар, гуруҳлаш, статистик ва қиёсий таҳлил, экспериментал ҳисоб-китоблар, мантиқий таснифлаш, муаммога тизимли ёндашув усулларида фойдаланилди.

Диссертация ишининг янгилиги. Иқтисодийетни модернизация қилиш шароитида асосий воситалар ижараси ҳисобининг назарий-услубий масалалари бўйича илмий ва амалий таклифлар берилганлиги билан ифодаланади. Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- Ижаранинг иқтисодий моҳияти очиб берилди;

- Ижаранинг намоён бўлиш шакллари аниқланди;
- Ижара муомалалари ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди;
- Ижара тўловлари ҳисоби бўйича амалий муаммолар бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертация иши натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишини тадқиқ қилишда, «Резаксойсувқурилиш» унитар корхонаси йиллик ҳисоботлари, оммавий ахборот воситаларида нашр қилинган статистик материаллар, интернет сайтлари, меъёрий –ҳукуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланилди.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Ушбу илмий тадқиқот иши кириш, мазмунан чамбарчас боғлиқ учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида илмий ишнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий аҳамияти ва янгилиги, назарий ва услубий асослари ҳамда ўрганилганлик даражаси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи бобида ижаранинг иқтисодий моҳияти, асосий воситалар ижараси ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва ҳукуқий асослари ҳамда жаҳон тажрибаси ҳақида сўз юритилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида ижарага берувчи ва олувчида молиявий ижара, оператив ижара муомалалари ҳисобининг амалий хусусиятлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг учинчи бобида асосий воситалар ижараси ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг хулоса қисмида асосий воситалар ижараси ҳисобини такомиллаштириш тўғрисида хулосалар ва амалий тавсиялар берилган.

I БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ИЖАРАСИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ижара муносабатларининг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий асослари

Ижара муносабатлари ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан биридир. Бир томондан, меҳнат ва капитал биргаликда ижара субъектларининг катнашишида бюджетни шакллантиради. Бундан, ўз навбатида, жамоанинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечилади, иккинчи томондан, такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бозорни зарурий маҳсулот билан таъминлашга имкон бўлади.

Ижарага олувчи (корхона) икки томонлама ижтимоий-иқтисодий мақомга эга бўлади, яъни ўз ихтиёри билан ва мустақил ташкилот сифатида фаолият юритади ҳамда уни нафақат ўзининг ишлаб чиқаришини такомиллаштириш қизиқтиради, балки ишлаб чиқариш фаолият доирасидан келаётган даромад ҳам унинг бош мақсадини ташкил этади. Бунда илмий-техника тараққиётининг тезлашиши ҳам таъминланади.

Шу жумладан, ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ижара тўловлари ташкил этади. Бунда эгалик муносабатлари, фойдаланиш, реализация ва ишлаб чиқариш воситаларига (асбоб-ускуналар, мулкка) эгалик қилишни ўзлаштирилиши ҳам ўз аксини топади. Ижаранинг иқтисодий моҳияти, ижара битими даврида пайдо бўладиган мулккий муносабатлар билан тавсифланиши асосида тушунтирилади. Шартнома предмети бўлган мулки ижарага берувчининг ўз мулки ҳисобланади, ижарага олувчи шартнома амал қилиш муддати мобайнида унга эгалик қилиш ва ундан маълум тўлов асосида ижара берувчидан фойдаланишга олади. Ижарага берувчи мулкка тўлиқ эгалик қилиши учун сотувчи (етказиб берувчи)дан олди-сотди шартномаси асосида мулкнинг тўла қийматини тўлаб беради.

Ижарага олувчи мулкдан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш ҳуқуқини ижара шартномаси асосида олади. Бунда ижара берувчига шартномада назарда тутилган ижара тўловлари суммасини тўлиқ тўлаб беради. Ижара тўловлари ўз таркибига шартномада таъкидланган мулкнинг тўла ёки қисман қийматини ҳамда, кўрсатилган ижара хизмати ва қўшимча сервис хизматлари тўловини олади.

Натижада, ижарага берувчида тижорат нуқтаи-назаридан ижара битими қуйидагича тусда бўлади:

- ижарага берувчининг келишув асосидаги умумий харажатлари қуйидаги тенглик билан изоҳланади:

$$Л_T = Б_k + К_T + К_{\text{Т}}^{11}$$

$К_T$ -кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов, сўмда;

$К_{\text{Т}}$ -қўшимча хизматлар учун тўлов, сўмда;

$Б_k$ -ижара шартномаси предмети ҳисобланган мулкнинг баланс қиймати, сўмда.

- ижара битими асосида ижара олувчининг ижара тўловлари харажатлари қуйидагича ҳисобланади:

$$Л_T = A + К_T + К_{o_T} + К_{\text{Т}} + ҚҚС + Б_B^3$$

Бунда,

A - ижарага берувчида жорий йилда ҳисобга олинadиган амортизация ажратмалари миқдор ўлчови, сўмда;

$К_{o_T}$ - ижара шартномаси асосида ижара берувчининг комиссиян мукофот пули, сўмда;

$ҚҚС$ - ижара берувчи хизматлари бўйича ижарага олувчи томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи, сўмда;

$Б_B$ - божхона божи, сўмда;

$К_T$ - кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов, сўмда;

$К_{\text{Т}}$ - қўшимча хизматлари учун тўлов, сўмда.

¹¹ Гадоев Е. ва бошқалар “Йиллик ҳисобот”- 2008, НОРМА нашриёти 2009 йил.

Маълумки, ижарага берувчининг мулкдан фойдаланиш харажатлари ижара тўловлари асосида тўлиқ компенсацияланмайди, яъни қопланмайди. Компенсация суммаси шартнома муддати ва мулк амортизацияси муддатига боғлиқ ҳолда шартномада олдиндан белгиланган бўлади. Агар, амортизация муддати шартнома муддатидан ошиб кетса, бунда мулкнинг амортизация муддати тугашига қадар ижара берувчида қолдиқ қийматида ўз мулки бўлиб қолаверади. Комиссион мукофот тўлови ижара берувчи харажатларини қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади. Лекин, бу аниқ битим билан боғлиқ эмас ва фойда манбаини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга.


Демак, ижара берувчининг манфаатли қизиқишини, хусусан, ижара битими ташкил этади. Бунда иқтисодий фойдали манфаатдорлик ётади.

Энди ижара олувчига келсак, бунда у ижара асосида ўз харажатларини мулкдан фойдаланиш чоғида олиниши мумкин бўлган даромади билан бир ўлчамга келтириши керак. Шу боис, битимни тузиш, тайёрлашда инвестицион лойиҳа (бизнес-режа) ҳолида аниқ ва равшан, деталлашган ҳолда синчиклаб ўрганилиб, ишлаб чиқилгандан сўнг томонларнинг розилиги олинади. Ижаранинг иқтисодий моҳияти қанчалик специфик мулккий муносабатларга яқинлиги билан аниқланиши, шуни таъкидлаш жоизки, ижара мулкига эгалик қилиш ҳуқуқининг ижара берувчидан ижара олувчига ўтиши мумкин.

Молиявий ижара шартномасида ижара олувчи ҳуқуқида ижара мулкни сотиб олиш кўзда тутилиши мумкин.

Ижара олувчи ижара мулкни ижара берувчига сотиб олиш қийматини шартнома муддати давомида ёки муддатидан аввал тўлаш асосида ўзиники қилиб олиши мумкин. Сотиб олиш баҳоси, агар шартномада сотиб олиш олдиндан кўрсатилган бўлса ёки шартномадаги томонларнинг махсус келишуви асосида ўрнатилган тартибда аниқланади. Сотиб олиш баҳоси сифатида мулкнинг қолдиқ қиймати ёки бозор нархида шундай ёхуд шунга ўхшаш мулк баҳоси хизмат қилади. Ҳар қандай

ҳолатда ҳам, ижара мулкидан фойдаланиш ижара олувчи учун фойда келтиради. Қуйидаги 1–чизмада «Резаксойсувқурилиш» унитар корхонасининг ижарага олинган асосий воситаларидан олинадиган даромадлар ва эришиладиган имкониятлари ҳамда тўланадиган мулк солиғи бўйича енгилликлар келтирилган.



1-чизма. Ижарага олинган асосий воситаларнинг хусусиятлари¹².

Кўп аналитик ҳужжатларда ва материалларда шу борада ижаранинг қуйидаги томонлари эътиборга лойиқ:

¹² Муаллиф ижодий ишланмаси.

- солиқ, божхона, амортизация имтиёзларидан келадиган иқтисодий даромад. Солиқ имтиёзлари айрим ҳолатларда даромад солиғидан озод қилиш, амортизация ажратмаларининг юқорилиги боис солиққа тортиладиган даромад суммасини камайтириш имкониятларини кўзда тутди. Божхона имтиёзлари божхона бож тўловларини қисқартирилиши билан изоҳланади. Бунда берилган имтиёзлар ижара берувчи ижара олувчидан ижара тўловлари миқдорини камайтириш йўли билан бўлиниш назарда тутилади;

- ижара берувчилар, инвесторлар таваккалчилиги (риск)нинг камайиши, улар қизиқишининг ҳимояси. Бунда асосий воситаларнинг аниқ моддий элементлари сифатида ишлаб чиқилади. Натижада, битим бевосита ижара объектини кафолатлайди. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, мулк ижарага берилганда ижара битими шартлари бузилса ёки ижара олувчи банкрот бўлса ҳамда амалга ошириш қийин жараён, яъни кенг ҳажмли ишлаб чиқариш технологик ускунаси мавжуд бўлса ҳам, мулк эгаси бўлиб қолиш ҳуқуқи қолиши лозим. Инвестор таваккалчилиги (риск)нинг камайиши ижарага олинган мулкни мақсадли ишлатилиши ёки ишлатилмаслигига боғлиқ;

- давлат аҳамиятига молик тармоқ ёки ишлаб чиқаришга маҳаллий бюджет маблағларини жалб қилиш, ижара битимининг охириги гуруҳ қатнашчиларидан ижара мулки асосида уни амалга оширувчи бўлиб, ижара олувчилар ҳисобланади. Улар учун фойда олинаётганлиги ҳис қилиниши лозим, йўқса бутун ижара жараёни ўзига тортувчанлик хусусиятини йўқотади.

Шунингдек, ижара олувчилар учун:

- ижара тўловларининг таннархида ётган солиққа тортиладиган фойданинг камайиши;

- ижара берувчи балансида қоладиган ижара мулкнинг қисман мулк солиғидан озод қилиниши;

- объектга тезлаштирилган амортизация қўлланганда, ижара олувчида ишлаб чиқаришни тезкор янгилаш ва қайта қуроллантириш имконияти пайдо бўлади;

- ижара асосида бошланғич молиявий оғирликларнинг камайиши - бу ижара тўловларининг тезликда ва катта ҳажмдаги тўловларни талаб қилмайди. Бу эса маблағларни ишлаб чиқаришга узоқ муддатга жалб қилинишини таъминлайди. Вазият ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, илғор технологияларни, асбоб-ускуналарни фойдаланишга олиш билан изоҳланади. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш жоизки, ижара тўловлари, авваламбор ижара объектини фойдаланишдан олинган даромаддан тўланади. Шу жумладан, ижара тўлови таркиби шартларига, ижара мулки асосида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар кўриниши ҳам киритилиши мумкин;

- ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, қайта ташкил қилиш, янгилашда ўз капитал маблағларини жалб қилинмаслиги ва нобуд (сарф) бўлмаслиги;

- бутун инвестицион муддатда ижарага олувчи (фирма)нинг тўловга қобилиятлилигининг сақланиб қолиши. Ижара олувчида ишлаб чиқаришнинг ижара маблағларидан қопланганидан қолган ўз ихтиёридаги қисмининг айланма маблағларнинг ўсишига жалб қилиниши;

- мавсумий ва даврий бўлмаган ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш муаммоларининг тезкор ҳал қилиниши;

- ижара тўловларининг миқдори олдиндан маълум бўлганлиги учун молиявий ҳисоб-китобларнинг оддий асосланганлиги ҳамда харажат базасини аниқ режалаштириш ва ҳисоб-китобларни таҳлил қилишнинг мумкинлиги;

- ижара тўловларини хоҳлаган кўринишда - ўлчамига, даврийлигига, муддатининг узайтирилиши, тўлов усулини танлаб олишига қараб ҳисоб-китобларнинг эгилувчанлиги;

- ижара олувчи таваккалчилиги (риск)нинг камайиши. Яъни, ижара олувчи маҳсулотининг бозорда етарли даражада харид қилинмаган ҳолда, ижара мулкни қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши. Бу, ўз навбатида, янги маҳсулот (ускуна)ни ўзлаштиришдаги рискни камайишига олиб келади;

- танлаш имкониятининг борлиги: ижара объектини сотиб олиш, шартнома муддатини узайтириш ёки янги асбоб-ускуна жалб қилиш;

- ижарада ижара олувчида кредит линиясини сақлаб қолишга рухсат беради. Бундан ташқари, оддий молиялаштирувчи институтларга боғлиқликнинг камайиши ва уларга талабнинг қисқариши;

- ижара берувчи ижара мулкни эгаси бўлганлиги учун ижара олувчи балансида мулкнинг акс этмаслиги. Бу эса, ўз навбатида, ижара олувчини мулк солиғидан озод қилади;

- битимни манфаатлилигини таъминловчи восита бўлиб, корхонада мулкни ижарага олиш тушунилади. Чунки, уни ссуда асосида фойдаланишга олаётганда, ижара мулки кредитни кафолатловчи гаров сифатида амал қилади. Хорижий давлатларда баъзи ижара компаниялари ижара олувчилардан ҳеч қандай қўшимча кафолат талаб қилмайдилар;

- кичик ва ўрта бизнес асосидаги корхоналар, фирмалар учун ижара қисман ягона молиялаштириш имконияти бўлиб ҳисобланади;

- ижара берувчида рискнинг ўтиши орқали ижара олувчида мулк ўз мулки сифатида эмас, балки вақтинча фойдаланиш учун олинса, мулкнинг жисмоний ва маънавий эскириш таваккалчилиги (риск)нинг камайиши. Бундан ташқари, маънавий эскирган деталлар ва тармоқни алмаштириш масаласининг қўйилиши;

- мулкнинг оlinиши ва сотилиши, танлаб оlinиши, йиғилиши каби меҳнат талаб қиладиган муомалаларда маъмурий кечикишлар сингари трансакцияларда ижара олувчи маблағининг иқтисод қилиниши.

Ижара жараёнини объектив баҳолаш учун унинг камчиликларини ҳам келтириш лозим бўлади. Ижара моҳиятига кўра, ижара берувчида

мулкнинг маънавий эскириши ҳамда ижара тўловини ололмаслик таваккалчилиги (риски) ётади. Бошқа томондан, баъзан ижара олувчида ижара қиймати харид ва банк кредити қийматидан кўпга тушади. Аммо, ижаранинг ижобий томонлари микдори салбийларига қараганда, бир мунча юқоридир. Шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ижара хизматлари бозори энди шакллана бошламоқда. Ҳозирги кунга келиб солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар кўпгина давлатлар қонунчилигига кўра, қонун билан мустаҳкамланган ва юқорида таъкидланган ижара хусусиятлари, амалий жихатдан ижара муносабатлари жараёнида салбий томонларинини ўрнини қоплайди.


Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик – зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва маъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислохотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислохотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди»¹³. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин демократик-ҳуқуқий давлатни барпо этиш модели танлаб олинди. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида ҳуқуқий асосларни шакллантириш, ислохотларнинг қонуний ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ҳалқаро андозалар талаби даражасида ташкил қилишни талаб этади.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасида ижара муносабатларини тартибга соладиган қонунчилик шакллантирилди. Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган «Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижарани амалга оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий асосларини белгилаган

¹³ И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида.-Т: Ўзбекистон, 1995, 29-бет.

холда халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлмаган миллий қонунчилик меъёрларига мувофиқ тартибга солинади. Ижара тўғрисидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг шаклланиши 2-чизмада акс эттирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 майдаги 194-сон 2-илова «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ижара операцияларини акс эттириш тартиби» тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикасида ижарани қонуний жиҳатдан мустаҳкамловчи ҳужжатлардан бири бўлди.



2-чизма. Ижара ҳисобининг ҳуқуқий асослари¹⁴

Қарорда кўзда тутилган мақсад мамлакатда ижара муносабатларини ривожлантириш, ижара операцияларини ҳисобга олиш ва улар бўйича ҳисоботларда қўллаш учун мўлжалланган.

Ижаранини ҳуқуқий ва ташкилий – иқтисодий асослари, ижара асосида ишлаб чиқариш воситаларини инвестиция шакллари

¹⁴ Муаллиф ижодий ишланмаси.

ривожлантириш зарурияти, мулкчилик ҳуқуқларини, инвестицион жараён иштирокчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва сармоялаш самарадорлигини таъминлаш белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 август 2002 йил ПФ-3122-сонли «Ижара фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқларини, хусусан кичик ва ўрта бизнесни замонавий технология ускуналари билан жиҳозлашда, шунингдек, мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва техникани сотишда ижара фаолияти ролини ошириш мақсадида чиқарилган зарурий меъёрий ҳужжати мамлакатимиз ижара муносабатларини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Ушбу фармонга кўра 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ижара тўловлари – қўшилган қиймат солиғидан, ижарага бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ва ускуналари - вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда бож тўловлари ва сотишга солиқлардан озод қилинди.

Белгилаб қўйилдики, 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ижара оладиган хўжалик юритувчи субъектлар ижарага берилган мулкка солиқ тўлашдан ижара шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилинадилар; ижара берувчини солиққа тортиш чоғида у ижарага бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли «Қишлоқни ижара шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлашни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги

машинасозлигини, шу жумладан етакчи хорижий компаниялар иштирокида ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, қишлоққа етказиб берилаётган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш мақсади ўз аксини топди.

Ижара жараёнларининг иқтисодий самараси кўп ҳолларда уларнинг нечоғлик пухта расмийлаштирилишига боғлиқ. Ижара битимида унинг бажарилиши кетма-кетлигини тавсифловчи босқич алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ижара олувчи буюртмаси ихтиёрий равишда тузилиб, унда мулк тури, унинг ўлчамлари, техник ва иқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, таъминотчининг аниқ манзили ва реквизитлари кўрсатилиши лозим. Ижара берувчи талаб этган барча ҳужжатларни ижара олувчи тақдим этиши шарт. Хусусан, нотариус томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатларининг нусхалари тақдим этилиши керак (1-жадвал).

Ижарага олувчининг тўлов қобилиятини, унинг ижара тўловларини амалга ошириш имкониятини, мулкка бўлган талаб, шартнома бекор қилинганда уни қайта лизинг бериш ва сотиш имкониятларини аниқлаш лизинг берувчининг вазифасидир.

Ижарага берувчи томонидан ижара битимини тузиш юзасидан ижобий қарорга келинганда, ижарага олувчининг ҳужжат аризасига асосан таъминотчига буюртма юборилади. Унда ижарага олувчининг банк реквизитлари ва манзили билан бир қаторда, мулк тури, баҳоси ва бошқа ўлчамлари ҳам кўрсатилади. Таъминотчи буюртма ҳужжатини олгандан сўнг уни бажаришга тайёр эканлиги юзасидан ижарага олувчига хабар беради.

**Ижара жараёнларининг босқичлари, моҳияти ва
расмийлаштирилиши**

Босқичлар	Моҳияти	Расмийлаштирилиши
Тайёрлаш ва асослаш	Ижара тўловини амалга оширишдаги Ижарага олувчининг молиявий имкониятларини баҳолаш, маҳсулотга бўлган талаб ва ижарага олинган ускуналардан фойдаланишни баҳолаш, товарнинг бошланғич қиймати, ижара тўловлари, уларни узлуксизлиги, шартнома давомийлиги, қоолдик қиймати ва бошқа жиҳатлар таҳлили	Ускунани сотиб олиш юзасидан ижарага олувчи томонидан ижарага берувчи тақдим этадиган буюртма, ижара жараёни самарадорлиги ва ижарага олувчининг тўлов қобилияти тўғрисидаги хулоса; ижарага берувчи томонидан таъминотчига юбориладиган буюртма-хужжат; ижара жараёнини ўтказиш учун лизинг компаниясини банкка қарз олиш мақсадида йўллаган буюртмаси
Ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш	Ижара битимини тузиш, зарур хужжатларни расмийлаштириш	Ижара жараёнини амалга ошириш учун қарз бериш тўғрисидаги банк ва ижара компанияси ўртасида тузиладиган кредит шартномаси; ижара объектининг олди-сотди шартномаси; ижара объектини фойдаланишга топширишдаги қабул қилиш-топшириш далолатномаси; ижара шартномаси; ижарага берувчи томонидан амалга оширилган ижара мулкига техник хизмат кўрсатиш шартномаси; ижара объектини суғурталаш шартномаси.
Ижро этилиши	Ижара мулкидан фойдаланиш, уни бутлигини сақлаш ва ишга яроқли ҳолатини сақлаб, ижарага берувчга ижара тўловларини ўтказиб бериш.	Ижара келишуви ва ускуналардан кейинчалик фойдаланиш муносабатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш.

1.2. Асосий воситалар ижараси ҳисобининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта рол ўйнайди, чунки улар барча корхона таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб-чиқариш техника базасини ташкил этади.

Республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини ислоҳ қилиш республикамізда мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, халқаро стандартлар доирасида ташкил этиш ва юритишни талаб этади. Асосий воситалар ҳисобини юритишда, аввало, ҳисоб юритиш сиёсатиға амал қилиш лозим. “Ҳисоб юритиш сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тамойил ва меъёрий қоидаларига мос равишда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи тушунилади.”¹⁵

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб юритиш сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисобот тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос қоидалар ва амалий ёндашувларни ифодалайди. Буни таъминлаш учун, аввало хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида, хусусан, асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш сиёсати “Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли 1 - сон БҲМСға асосан ишлаб чиқирилиши керак.

Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш учун ҳисоб сиёсати қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- асосий воситалар ҳисоби фойдаланувчилар эҳтиёжи учун аҳамиятли бўлиши;

6«Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сон БҲМС. //Солиқ тўловчининг журнали, №11, 2010й 3-б.

- асосий воситалар ҳисобининг ишончли бўлиши;
- айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг асосий воситалар юзасидан молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятини бериши;


- асосий воситалар ҳисоби тушунарли ва оддий бўлиши лозим.

Корхонадаги асосий воситалар ўзиники, ижарага ва ижара шартномаси асосида олинган бўлиши мумкин. Ўз асосий воситалари корхонага тегишли бўлиб, ижараа олинганлари эса қисқа муддатли (оператив) ижара, узоқ муддатли ижара ва ижара шarti билан олинган бўлади. Ижара олувчи ва ижара берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар Фуқаролик Кодекси, Ижара тўғрисидаги қонун ва бошқа тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда, ёзма равишда тузилган ижара шартномасига мувофиқ тартибга солиб турилади.

Ижара фаолияти ўзида ишлаб чиқаришни кредитлаш ва инвестицион фаолият ўртасидаги ўзига хос бир шаклни намоён этади. Ижара тўловлари одатда ижарага берувчига қўйилган капиталга ўрнатилган ўртача меъёрдан кам бўлмаган фойда олиш имкониятини таъминлайди, ижарачи учун эса бир вақтнинг ўзида йирик миқдорда пул маблағларини чиқиб кетишини амалга оширмаган ҳолда қиммат баҳода турувчи мулклардан фойдаланиш ва ижарага олинган мулкдан фойдаланиш натижасида фойда олингандан кейин ижара тўловларини тўлаш имкониятлари юзага келади.

Ижара асосан айланма маблағлар етишмаслиги юзага келган корхоналар учун фойдали ҳисобланади. Бунда улар ўзларининг асосий воситаларини янгилай олмайдилар, фан-техника тараққиёти натижаларини жорий қила олмайдилар ва ўз навбатида уларни кредитловчи ташкилотларга қарам қилиб қўядиган кредитлар олишга мажбурлар. Ижара шароитида асосий воситаларни олиш корхоналарга уларни қарз маблағлари ҳисобига олганга қараганда кўпроқ маблағларни иқтисод қилиш имкониятларини беради.

Республикада ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш учта асосий ҳужжат орқали амалга оширилади:



3-чизма. Ижара муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси¹⁶

Ўзбекистон Республикасида ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобига тегишли масалаларни тартибга солиш учун ижара операциялари ва ижара бўйича келишувларни бухгалтерия ҳисоби ва субъект-ларнинг молиявий ҳисоботларида акс эттиришни тартибга солувчи меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва ҳозирги кунда ҳам уларни яратиш бўйича ишлар давом этаяпти.

Шундай қилиб ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича меърий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 майдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган Ижара операцияларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш тартибини қабул қилиниши ҳисобланади.

Ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича меърий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг асосий босқичи бўлиб Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти БҲҲС (IAS) – 17 «Ижара»да

¹⁶ Муаллиф ижодий ишланмаси.

назарда тутилган асосий меъёрларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 сентябрда 45-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 16 октябрда 503-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС – 6) «Ижара ҳисоби»ни ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши ҳисобланади. Мазкур стандарт билан ижара ва ижара операцияларини бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ягона услубий асослари аниқлаб берилган эди.

2002 йилнинг 13 декабрида «Ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритилиши ва 2004 йил 1 январдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектлар (суғурта ташкилотлари, банклар ва кредит уюшмалари бундан мустасно) молиявий-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобининг янги счётлар режасига ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 апрелдаги 194-сон «Ижара хизматларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартибини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тўғрисида топшириқ бўлган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтиб ўтилган қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 12 майдаги 75-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 22 июнда 1374-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС 6) «Ижара ҳисоби» қабул қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 12 майдаги 74-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 22 июнда 1373-сон билан рўйхатга олинган

Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом ҳам ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририда ижара молиявий ижара ва оператив ижарага бўлинган. Шу муносабат билан ижара муносабатларини бухгалтерия ҳисоби атамаларини ижара муносабатларини солиққа тортишда қўлланиладиган атамалар билан мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 6 апрелдаги 41-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 24 апрелда 1946-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС 6) «Ижара ҳисоби»;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 11 май-даги 54-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 1 июнда 1961-сон билан рўйхатга олинган Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом.

Шунингдек Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС 6) «Ижара ҳисоби»ни янги таҳрирда қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби» тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 18 апрелдаги 46-сон буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 25 майда 1181-2-сон билан рўйхатга олинган) билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби-

нинг миллий стандарти (БХМС 21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари тизимида ижара операцияларининг ҳисоби ва уларга тегишли маълумотларни очиб бериш МҲҲС (IAS) 17 «Ижара» билан тартибга солинади. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва ижара операцияларини бухгалтерия ҳисоби бўйича Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини таҳлил қилиш ва таққослаш 6-БХМС «Ижара ҳисоби»да назарда тутилган меъёрлар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари меъёрларига тўлиқ тўғри келишини кўрсатди.

Ижара маҳсулот (техника, саноат қуроллари, асбоб-ускуналар) етказиб берувчиларга савдо ҳажмини кенгайтиришга кенг имконият яратади. Бунинг натижасида, кейинчалик, доимий равишда эҳтиёт қисмларни ҳам етказиб бериш ва хом-ашё материаллари, ремонт ва кадрлар тайёрлашни ҳам амалга ошириш мумкин бўлади. Молиявий ижара бизнесида қатнашувчи томонлар, яъни инвесторлар сифатида ишлаб чиқаришга ижара орқали маблағларни жалб қилувчилар ҳам ижаранинг устунлигини сотувчилардан кам ҳис қилишмайди яъни улардан кам манфаат олмайдилар. Шундай қатнашчилардан институционал ва хусусий инвесторлар ҳамда бевосита ижарага берувчиларни келтириш мумкин.

Шунингдек, ижарага олувчилар учун иқтисодий манфаатлар қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- Ижара тўловларининг таннархида ётган солиққа тортиладиган фойданинг камайиши;
- Ижарага берувчи балансида қоладиган ижара мулкнинг қисман мулк солиғидан озод қилиниши;
- Объектга тезлаштирилган амортизация қўлланганда, ижарага олувчида ишлаб чиқаришни тезкор янгилаш ва қайта қуроллантириш имконияти пайдо бўлади.

Кичик ва ўрта бизнес асосидаги корхоналар, фирмалар учун ижара қисман ягона молиялаштириш имконияти бўлиб ҳисобланади.

Ижара объекти бўлиб, истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно¹⁷.

Мулк кўринишлари ишлаб чиқариш асосий воситалари (бино, иншоотлар, ўтказиш қурилмалари, умумишлаб чиқариш аҳамиятидаги ускуна ва машиналар, авиация маҳсулотлари, кўтарма транспорт қурилмалари, қишлоқ хўжалиги техникаси, оргтехника, асбоблар, машина-қурилишнинг бошқа маҳсулотлари) ҳамда мулкый мажмуа (корхона, цех, технологик линиялар) ҳолида бўлиши мумкин, лекин бунда улар айланма маблағлар (хом-ашё, материаллар, маҳсулотлар)сиз эканлигини изоҳлаш зарур. Шуни таъкидлаш жоизки, ижара объекти бўлиб – янги, олдин фойдаланишда бўлмаган мулк ва олдин фойдаланишда бўлган яъни ишлаб чиқариш воситаларининг иккиламчи бозорида муомалада бўлган мулк сифатида ҳам намоён бўлишини назарда тутиш лозим. Агар, ижара объекти кўчмас мулк (бино, иншоот, корхона ва цех) бўлса, ижара шартномасида ижарага олувчига кўчмас мулк банд қилган ўша ердан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам берилиши кўзда тутилади. Негаки мулкдан фойдаланишда бу масала долзарб ҳисобланади.

Ижара субъектлари бўлиб, ижара шартномасидаги томонлар - ижарага берувчи ва ижарага олувчи ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалдан маълумки, профессионал воситачилар бир-бири билан ўз хусусиятлари, вазифалари, қоида ва мажбуриятлари билан фарқланади. Республикамизда профессионал воситачилар таркибини кўпгина категориялари бўйича лизинг инфратузилмаси яхши ривожланмаганлиги сабабли ҳали бир шаклга келтирилмаган ва меъёр ишлаб чиқилмаган (2-жадвал).

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ» нашриёт уйи, 1998 йил, 2-жилд 588-моддаси.

Лизинг хизматлари бозорида профессионал воситачилар таркиби

№	Профессионал воситачилар	Мазкур профессионал воситачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тавсиф
1	Дистрибьютор (улгуржи сотувчи)	Тўла, ўз номидан мустақил муносабатлар асосида ишлаб чиқарувчилар билан қандай муносабатда бўлса, лизинг мулкни сотиб олувчиларга ҳудди шундай алоқада бўлади, фақат мулк эгаси бўлиб ҳисобланмайди: аҳолини белгилайди, бозорни ўрганади, сервис хизматлари кўрсатади.
2	Дилер	Кичик мустақил тадбиркор, у ўз ҳисобидан зарурий ускунани сотиб олади ва харидорларга сотади, аммо у техникани реклама ва сервис хизматини кўрсатишда ҳам иштирок этиши мумкин.
3	Брокер	Ўз мижозлари топшириғига ва ҳисобига биноан фаолият кўрсатади. Ўзаро қизиқувчи томонларни учраштиради, аммо таваккалчилик(риск)ни ўзига олмайди.
4	Комиссионер	Ўз номидан лекин, мижоз ҳисобидан битим тузади. Ўз эҳтиёжидан ошган харажатларга жавоб беради.
5	Маклер	Битим учун қизиқувчи томонларни тўплайди ва учраштиради, лекин ўзи бунда иштирок этмайди. У томонларнинг расмий розилигисиз ҳеч қанақа битим туза олмайди.
6	Консигнатор	Ишлаб чиқарувчилардан ускунани комиссия шартига кўра олади ва сотувчи ўрнатган нархдан кам бўлмаган баҳога сотади, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи эса ускунани етказиб берувчида қолади.
7	Ишончли вакил	Ўз фирмасининг номидан ва унинг топшириғига кўра битим тузади. Шартномада ўрнатилган шартларга кўра ва мижозлар топшириғи асосида фаолият кўрсатади.

№	Профессионал воситачилар	Мазкур профессионал воситачиларнинг ҳуқук ва мажбуриятларига тавсиф
8	Ишлаб чиқарувчи (харидор)нинг вакили	Ишлаб чиқарувчи номидан ва унинг топшириғига кўра аниқ белгиланган ҳудудда фаолият кўрсатади. У нафақат битта аниқ битим, балки келишилган муддатларга кўра бошқа бир қатор битимларни тузиш ҳуқуқига эга.
9	Коммивояжер	Лизинг объектини фақатгина сотмасдан, уни фойдаланувчига етказиб ҳам беради
10	Жўнатма сотувчи	Фирманинг тақсимловчи вакили, лизинг мулкни каталогларни тарўатиш йўли билан салоҳиятли сотиб олувчи – ижарачиларга сотади.
11	Маслаҳатчи	Лизинг хизматлари бозорида тузилган битимлардан фоишлар тўлови билан ишбилармон доираларда тажрибалар ўтказади. Битимдан даромад кутмайди ва буюртмачиларга кафолат бермайди.

Халқаро ижара (лизинг) субъектлари - ижарага берувчи, ижарага олувчи ёки етказиб берувчи вазифасини бажарувчи хорижий ҳуқуқий шахслар бўлиши мумкин.

Асосий воситаларни ижарага берувчи – бу ҳуқуқий шахс бўлиб, мулкни ишлаб чиқарувчи (сотувчи)дан қабул қилиб олувчи ва ижара шартномаси асосида ижарага олувчига берувчи шахсдир. Қонун бўйича ижарага берувчи ҳуқуқий шахс мақомини олмаган тадбиркорлик сифатида қайд қилинган жисмоний шахс ёки фуқаро бўлиши ҳам мумкин.

Асосий воситаларни ижарага олувчи – бу ҳуқуқий шахс ёки тадбиркор сифатида қайд қилинган ҳамда ҳуқуқий шахс мақомини олмаган фуқаро ҳисобланади. У ўз навбатида ижара шартномаси бўйича ижара мулкidan вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқини олади. Ижарага олувчи бўлиб, ижара шартномасида назарда тутилган ёки бошқа мулкни олишга хоҳиш билдирган ихтиёрий корхоналар қатнашиши мумкин.

Ижаранинг асосий кўринишлари таснифланиши

Сабаблари	Техникани қўллаш ва лизингни ташкиллаштириш шакллари
Ижара объектлари	Кўчар ва кўчмас мулк
Битимнинг давомийлиги	Объектдан фойдаланишнинг норматив муддатли молиявий ижара, фойдаланиш муддати нормативдан кам бўлган оператив (жорий) лизинг
Амортизация шартлари	Тўлиқ (тезкор) амортизацияли, тўлиқ бўлмаган амортизация
Бозор сфераси	Ички, халқаро, транзит
Битимнинг ташкилий кўриниши	Бевосита, билвосита, қайтарилувчи, «леведж-лизинг»
Хизмат кўрсатиш ҳажми	Соф, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган хизматлар тўплами билан, комплекс, генерал
Ижара тўловларининг шакллари	Пулли, компенсацион, аралаш
Солиқ имтиёзларига муносабати	Ҳақиқий (расмий), қалбаки (норасмий)

Ижаранинг энг кенг тарқалган кўриниши молиявий ижарадир. У мулкдан фойдаланиш даврида мулкни узоқ муддатга ва тўла қийматини қоплашга беришни назарда тутди. Моҳият жиҳатидан бу капитал вазифасидаги узоқ муддатли кредитга ўхшаб кетади.

Инвестиция фаолияти учун молиявий ижарани қулай эканлигини аниқлаш учун инвестицияларни молиялашнинг анъанавий шаклларига нисбатан ижара жараёнларининг авзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди. Ижара муносабатларининг асосий афзалликлари қуйидаги расмда келтирилган.

Ижара субъектлари учун молиявий ижаранинг қулайлиги

Ускуналарни ишлаб чиқарувчи учун
-Сотиш бозорининг кенгайиши -Техникага кафолатли хизмат кўрсатиш тизимини кенгайиши
Ижарага берувчи учун
-Фойда олиш -Амортизация ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги -Мулк шаклида сармоялаш - молиявий хатарларни йўқлиги
Ижарага олувчи учун
-Кам миқдордаги бошланғич капитал ҳисобига ҳам ишни ташкил этиш имкони -Юз фоизли кредитлаш -Тўловларни зудлик билан амалга оширишни талаб этилмаслиги -Тўловларнинг қулай схемасини ишлаб чиқиш имконияти -Ижарага олувчини мулк солиғидан озод бўлиши -Ижара тўловларини ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари таркибига киритилиши -Вақтинчалик фойдаланишга олинган мулкни жисмоний ва маънавий эскириш хатарини камлиги -Янги маҳсулот ишлаб чиқаришда хатарни камайиши -Солиқ тўлашдаги имтиёзлар ва жадал амортизацияни қўллаш имконияти

Молиявий ижаранинг камчиликларига қуйидагиларни киритиш мумкин: Ижарага олувчида ижара тўловларини олишдаги таваккалчилиги ва мулкни маънавий эскириш хатари ижарага олувчи ўз маблағлари ҳисобига олгандагига қараганда юқори бўлиши, айрим ҳолларда эса банк кредити эвазига сотиб олган мулкка нисбатан ижарага олинган мулк баҳосининг юқори бўлиши, ошириб юборилган ижара тўловлари маҳсулот

баҳосининг ошиб кетиши ва унинг рақобатбардошлигини камайтишига олиб келиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, келтирилган камчиликлар капитал қўйилмалар шаклидаги харажатлашнинг ушбу усулига берилган умумий ижобий баҳога ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Ўзбекистон Республикаси 5-сонли БҲМСнинг 24-бандига мувофиқ, асосий воситаларга жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш назарда тутилган. Шу жумладан, молиявий ижарада ҳам ижара мулкига жадаллаштирилган усулни қўллаш тавсия этилади. Бунда шартномада томонларнинг келишувига биноан бу ҳақда солиқ органларининг тавсияси (розилиги) лозим. Яъни, тезкор амортизация механизмини қўллаш замонавий технологик тармоқлар ва мулкнинг аниқ кўринишлари рўйхатида бўлиши лозим ҳамда у маҳаллий давлат ижроия маҳкамаси томонидан ўрнатилади.¹⁸

Амортизация фондларини шу тартибда пайдо бўлиши корхона ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва тезкор қайта тиклаш учун аниқ шарт-шароит яратади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартларига мувофиқ асосий воситаларни ижарага бериш ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тамойиллари қуйидаги қоидаларга асосланади:

■ асосий воситалар ҳисобини ижарага беришни икки ёқламали ёзув асосида юритиш;

■ асосий воситалар ҳисобини узлуксиз юритиш;

■ асосий воситаларнинг пулда баҳоланиши;

■ асосий воситаларни ижарага бериш ҳисоби маълумотларининг аниқлиги;

■ асосий воситаларни ижарага бериш ҳисобида ҳисоблаш тамойили;

¹⁸ “Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМС. //Молия вазирлиги 9.10.2003 й, 6п.

■ асосий воситаларни ижарага бериш ҳисобини юритишда олдиндан кўра билиш;

■ асосий воситаларни ижарага бериш ҳисобида мазмунининг шаклдан устунлиги;

■ асосий воситаларни ижарага бериш ҳисобида кўрсаткичларнинг кетма-кетлиги;

■ асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган даромадларнинг ҳисобда тўғри акс эттирилганлиги;

■ ижарага берилган асосий воситаларга қилинган харажатларнинг ҳисоб объектларида тўғри ифодаланганлиги;

■ ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳақиқий баҳоланиши;

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ижараси ҳисобининг мақсади, фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ асосий воситаларга оид молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан таъминлаш ҳисобланади.

- мулкчилик шаклидан қатъий назар асосий воситалар ижараси ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш ва юритиш;

- мавжуд асосий воситаларни меъёрий ҳужжатлар асосида баҳоланишини таъминлаш;

- асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;

- бошқа активлардан асосий воситаларни ажратилган ҳолда гуруҳларга туркумлаб, уларнинг ҳисобини юритишни ташкил этиш;

- асосий воситаларнинг ҳолати ва сақланишини ҳисобга олиш, турган жойи (фойдаланиш жойи) бўйича мавжудлиги ва сақланишини, айрим ҳолларда уларнинг сақланиши учун масъул бўлган шахслар бўйича назорат қилиш;

- асосий воситаларга қилинадиган амортизация ажратмаларини меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ҳисобини юритиш;
- таъмирлаш бўйича харажатларни аниқлаш ва бу мақсадлар учун ажратилган воситаларнинг оқилона ишлатилишини назорат қилиш;
- эскирган, хўжалик учун ошиқча бўлган асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;
- ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳисобда акс эттириш;
- мавжуд асосий воситалардан тўлиқ фойдаланилишни таъминлаш ва уларнинг ошиқчасини аниқлаш;
- ижара муносабатидаги асосий воситалар бўйича ижара тўловларини ўз вақтида расмийлаштириш ва тўлов амалга оширилишини назорат қилиш.

Оператив ижара бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби ижарага олувчининг балансдан ташқари 001-“Оператив ижара бўйича олинган асосий воситалар” счётида юритилади. Ижара олувчи корхонанинг бухгалтериясида ижарага ҳар бир объектнинг ижара берувчи корхонадаги инвентарь карточкаси (АВ-6-шакл)дан олинган нусха бўлиши керак. Асосий воситани ижарага қабул қилиш ҳам АВ-1 шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилган бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ижара муносабатларининг ишончли бухгалтерия ҳисоби корхоналар томонидан ижара объектларидан фойдаланиш натижаларини объектив акс эттириш имкониятларини яратиб беради.

Корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлаш шубҳасиз асосий воситалар ижараси билан боғлиқ йўналиш ҳисобланади, шу жумладан биз ҳозирги шароитда мамлакатимизда асосий воситалар ва уларнинг ижараси билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларда, ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳисобини ташкил этиш масалаларининг назарий асосларини ўрганамиз.

II-БОБ. ИЖАРАГА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Оператив ижара олинган ва берилган воситаларни ҳисобга олиш

Оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ижарачида балансдан ташқари счёт ҳисобланган 001 "Оператив ижарага олинган асосий воситалар" счётининг дебетида акс эттирилади. Бунда, оператив ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар ижарага берувчида худди олдинги каби асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади.

5-жадвал

Оператив ижара хусусиятлари

Муносабатлар таркиби	Амалга оширилишига ёндашув
Ижара мулки	Кўчар ва кўчмас мулк ижара берувчининг ўз мулки ҳисобланади
Ижара олувчининг ҳукуқи	Шартномани муддатидан аввал тўхтатиш ва ижара берувчига мулкни қайтариш
Мулкни қайтарилиши бўйича муносабатлар	Ижара олувчи шартномада келишилган мулк қийматидаги фарқни маълум бир мудатга қоплайди (мулкнинг тугатилиш қиймати билан назарда тутилган қолдиқ қиймати орасидаги фарқ)
Ижара тўловларининг ставкалари	Қоидага кўра ижара берувчи томонидан ўтказиладиган сервис хизматларини ўз ичига олган барча харажатларнинг юқорилиги
Ижара битимларининг муддати	Жуда қисқа муддат ичида мулкнинг жисмоний эскириши (бир марталик, мавсумий ва бошқалар)
Оператив ижарани аҳамияти	Ижара олувчининг маблағлари қатнашмаётганлиги сабабли маблағини мулк учун қисқа муддатда тўлашда фойдаланади
Ижара берувчининг risks (ҳавф-хатари)	Мулк бузилганда ёки йўқотилганда уни қийматини қоплаши
Ижара олувчининг кафолати	Шартнома муддати тамом бўлганда мулкнинг ўрнатилган қолдиқ қийматини таъминлаш

Оператив ижара билан боғлиқ операциялар ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) оператив ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

б) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда жорий даврга тегишли бўлган ва ижарага олувчидан келиб тушадиган ижара тўловлари (ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ) ҳисобланганда:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

кредит 9030 "Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар" счёти;

в) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда жорий даврга тегишли бўлган ва ижарага олувчидан келиб тушадиган ижара тўловлари (ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ) ҳисобланганда:

дебет 4820 "Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти;

кредит 9350 "Оператив ижарадан даромадлар" счёти;

г) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижара тўловларининг келиб тушиши:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

д) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижара тўловларининг келиб тушиши:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4820 "Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти;

е) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 "Бошқа олинган бўнақлар" счёти;

ж) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарачидан олдин олинган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6390 "Бошқа олинган бўнақлар" счёти;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

з) мулкни оператив ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарачидан олдиндан олинган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6390 "Бошқа олинган бўнақлар" счёти,

кредит 4820 "Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти;

и) ижарачи томонидан амалга оширилган оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича харажатларнинг ижарага берувчи томонидан қоплаш учун тан олинганда:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

к) ижарачи томонидан амалга оширилган оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича харажатларни қоплаш учун ижарачига пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Оператив ижара билан боғлиқ операциялар ижарачининг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижарага берувчига тўланиши лозим бўлган ва ҳисобот даврига тегишли (ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ) ижара тўловлари ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва бошқа счётлар - оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб);

кредит 6910 "Тўланадиган оператив ижара" счёти;

б) ижарага берувчига ижара тўловлари тўланганда:

дебет 6910 "Тўланадиган оператив ижара" счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

в) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича ижарага берувчига бўнак тўланганда:

дебет 4330 "Бошқа берилган бўнаклар" счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

г) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) ёки оператив ижара шартномасига мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага берувчига олдин тўланган бўнакларни қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6910 "Тўланадиган оператив ижара" счёти;

кредит 4330 "Бошқа берилган бўнаклар" счёти;

д) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар амалга оширилганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

е) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтарилганда, капитал қўйилмалар суммасини ҳисобдан чиқариш:

дебет 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

ж) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар қийматининг ижарага берувчи томонидан қопланадиган суммасига:

дебет 4890 "Бошқа дебиторлар қарзлари" счёти;

кредит 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

з) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларнинг берилиши натижасида олинган фойда суммасига:

дебет 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит 9320 "Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда" счёти;

и) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмаларнинг берилиши натижасида кўрилган зарар суммасига:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

к) оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш бўйича капитал қўйилмалар қийматини қоплаш учун ижарага берувчидан пул маблағлари тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4890 "Бошқа дебиторлар қарзлари" счёти.

Оператив ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қайтариб берилганда, балансдан ташқари счёт ҳисобланган 001 "Оператив ижарага олинган асосий воситалар" счёти кредитланади.

2.2. Ижарага олувчида молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби

Ижара олувчи буюртмаси ихтиёрий равишда тузилиб, унда мулк тури, унинг ўлчамлари, техник ва иқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, таъминотчининг аниқ манзили ва реквизитлари кўрсатилиши лозим. Ижара берувчи талаб этган барча ҳужжатларни ижара олувчи тақдим этиши шарт. Хусусан, нотариус томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатларининг нусхалари; охириги чорак ёки йиллик бухгалтерия баланси; экологик асоснома ва келишув самарадорлиги таҳлили (бизнес-режа); битим кафолати, зарурат туғилгандада ижара берувчи қўшимча маълумотлар тақдим этилишини талаб этиши мумкин.

Ижара муносабатлари ижара шартномасига мувофиқ амалга оширилади. Ижара шартномаси шакли 1-иловада келтирилган.

Ижара тўловлари ижара олувчи томонидан алоҳида ижара бадаллари кўринишида тўланади. Ижара шартномасида томонлар ижара тўловларини умумий суммасини, унинг шаклини, ҳисоблаш услубини, даврийлигини ва тўлаш тартибини келишиб оладилар.

“Резаксойсувқурилиш” МЧЖда асосий воситаларни ижарага беришдаги бухгалтерия ёзувларининг бир неча ҳолатини кўриб чиқамиз:

1) Ижара объектлари ижарага берилганда, ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ кечиктирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва ижарага берувчининг даромади ҳисобланишига қараб бир меъёрда (ойма ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (бошқа операцион харажатлари) га олиб борилади.

Агар минимал ижара тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг жорий қийматидан паст бўлса, унда молиявий ижара ижарага олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва

мажбурият сифатида минимал ижара тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олиними лозим.

Агар минимал ижара тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектнинг жорий қийматидан юқори бўлса, унда молиявий ижара ижарага олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида молиявий ижара объектнинг жорий қиймати бўйича тан олиними лозим.

“Резаксой сув қурилиш” унитар корхонасида молиявий ижара шартномаси бўйича олиб келинган молиявий ижара объектлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара объектларини ижарага олувчининг бухгалтерия ҳисобида актив ва мажбурият сифатида тан олинандиган қиймати бўйича кириш қилиш:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 7910 "Тўланадиган молиявий ижара" счёти;

б) молиявий ижара объектларини белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

в) молиявий ижара объектларини бошланғич қиймат бўйича фойдаланишга топшириш (уларнинг асосий воситалар таркибига ўтказилиши):

дебет 0310 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счёти;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800).

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга эскириш ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва бошқа счётлар - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб);

кредит 0299 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" счёти;

б) Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ишчи ҳолатда сақлаб туриш (жорий, ўртача ёки капитал таъмирлаш ва бошқалар) билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва бошқа счётлар - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб);

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар.

Молиявий ижара бўйича фоизларни ҳисоблаш ва ижарага берувчига ижара тўловларини тўлаш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7910 "Тўланадиган молиявий ижара" счёти;

кредит 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми" счёти;

б) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича ҳисобланган фоизлар суммасига:

дебет 9610 "Фоиз кўринишидаги харажатлар" счёти;

кредит 6920 "Ҳисобланган фоизлар" счёти;

в) ижарага берувчига ижара тўловларининг жорий қисми тўланганда:

дебет 6920 "Ҳисобланган фоизлар" счёти;

дебет 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми" счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

г) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича ижарага берувчига (ижарага берувчига) бўнак тўланганда:

дебет 4330 "Бошқа берилган бўнақлар" счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

д) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага берувчига олдин тўланган бўнақлар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6920 "Ҳисобланган фоизлар" счёти;

дебет 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми" счёти;

кредит 4330 "Бошқа берилган бўнақлар" счёти.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча куриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва бошқалар) харажатлари суммаси молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қийматини қўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) капитал қўйилмалар амалга оширилганда:

дебет 0860 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар" счёти;

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

б) капитал қўйилмалар асосий воситалар таркибига ўтказилганда:

дебет 0112 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш" счёти;

кредит 0860 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар" счёти;

в) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича эскириш ҳисобланганда:

дебет харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2000, 2100, 2300, 2500, 2600, 2700, 9400 ва бошқа счётлар - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг белгиланган мақсадига қараб);

кредит 0212 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши" счёти.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштирилишини қайта баҳолаш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг баҳолари ўсиши суммасига:

дебет 0310 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар объектлари бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг ўсиши суммасига;

дебет 0112 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг ўсиши суммасига;

кредит 0299 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириши баҳосининг ўсиши суммасига;

кредит 0212 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг жамланган эскириши баҳосининг ўсиши суммасига;

кредит 8510 "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати баҳосининг ўсиши ва жамланган эскиришлар баҳосининг ўсиши суммалари ўртасидаги фарқ суммасига;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг баҳолари пасайиши суммасига:

дебет 0299 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириши баҳосининг пасайиши суммасига;

дебет 0212 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг жамланган эскириши баҳосининг пасайиши суммасига;

дебет 8510 "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти - илгари қайта баҳолаш натижасида молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар объектларининг ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг баҳолари ўсиши суммасига ёки ушбу объектларнинг илгариги баҳолари ўсиши суммасининг илгариги баҳолари пасайиши суммасидан ошган қисми доирасидаги суммага;

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар объектларининг ва

молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг баҳолари пасайиши суммасининг ушбу объектларни илгари қайта баҳолаш натижасида баҳолари ўсиши суммасидан ошган қисмига ёки ушбу объектларнинг илгариги баҳолари ўсиши суммасининг илгариги баҳолари пасайиши суммасидан ошган суммасига (яъни, ушбу объектлар бўйича баҳосининг пасайиши суммасининг 8510 "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счётида ҳисобга олинган қолдиқ суммасидан ортиган қисмига);

кредит 0310 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар объектлари бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг пасайиши суммасига;

кредит 0112 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг пасайиши суммасига.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ижарачи (лизингга олувчи)нинг мулкчилигига ўтишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Фараз қиламиз, «Резаксой сув қурилиш» унитар корхонаси томонидан молиявий ижаранинг учинчи йилини 5 январида «қазувчи машина» сотиб олиш нарҳини тўлади. Молиявий ижаранинг учинчи йилининг 5 январь ҳолатига бухгалтерия ҳисобида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

1. Қазувчи машина қиймати 16 357 110 сўм

14 870 100 сўм + 1 487 010 сўм.

2. Қазувчи машина жамланган эскириш суммаси 6 542 844 сўм

5 948 040 сўм + 594 804 сўм.

3. Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган қазувчи машинани модернизация қилишнинг бошланғич қиймати 2 200 000 сўмга (2 000 000 сўм + 200 000 сўм) ва унинг жамланган эскириш суммаси 550 000 сўмга

(500 000 сўм + 50 000 сўм) тенг.

4. Молиявий ижара шартномаси бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиқ суммаси қуйидагича: 236 033 сўм жорий қисми, 8 497 200 сўм узоқ муддатли қисми.

Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган қазувчи машинанинг ижарачининг мулкига ўтиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

-молиявий ижара шартномаси бўйича олинган қазувчи машинани ободонлаштириш (модернизация қилиш) қийматини қўшган ҳолда молиявий ижара шартномаси бўйича олинган қазувчи машинанинг ўз асосий воситалари таркибига ўтказилиши:

дебет 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти 18 557 110 сўм;

кредит 0310 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти 16 357 110 сўм;

кредит 0112 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счёти 2 200 000 сўм;

- молиявий ижара шартномаси бўйича олинган қазувчи машинани ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган қазувчи машинани ободонлаштириш (модернизация қилиш)ни ўз асосий воситалари таркибига ўтказилганда, улар бўйича жамланган эскириш суммаларини ўтказиш (кўчириш):

дебет 0299 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти 6 542 844 сўм;

дебет 0212 «Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши» счёти 550 000 сўм;

кредит 0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши» счёти 7 092 844 сўм;

- молиявий ижара шартномаси бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиқ суммаси тўланганда:

дебет 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар -жорий қисми» счёти
236033 сўм;

дебет 7910 «Тўланадиган молиявий ижара» счёти 8 497 200 сўм;

кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти 8 733 233 сўм.

Молиявий ижара шартномаси тугатилганда «Резаксой сув қурилиш» унитар корхонаси томонидан молиявий ижара объектини қайтариш муносабати билан балансдан чиқариш, молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижара тўхтатилган санадаги молиявий ижара объектининг қопланмаган қиймати суммаси бўйича амалга оширилади.

Ижарага берувчига молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш объектлари қайтарилганда, бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) бошланғич (қайта тиклаш) қийматига:

дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит 0310 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

кредит 0112 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматига;

б) жамланган эскириш суммасига:

дебет 0299 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг жамланган эскириш суммасига;

дебет 0212 "Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши" счёти - молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг жамланган эскириш суммасига;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

в) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш қийматининг ижарага берувчи томонидан қопланадиган суммасига:

дебет 4890 "Бошқа дебиторлар қарзлари" счёти;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган мазкур асосий воситалар объектларини ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш объектларини қайта баҳолаш натижаси (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

д) ижара тўловлари жадвали (тартиби) бўйича асосий қарзнинг қопланмаган қолдиғи суммасига:

дебет 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми" счёти;

дебет 7910 "Тўланадиган молиявий ижара" счёти - узоқ муддатли қисми (молиявий ижара шартномаси муддати тугагунга қадар қайтарилиш амалга оширилган ҳолларда қўлланилади);

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

е) молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарага олувчи томонидан амалга оширилган молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

ж) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни кайтариш натижасида олинган фойда суммасига:

дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит 9310 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда" счёти;

з) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни кайтариш натижасида кўрилган зарар суммасига:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

и) молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича харажатларни қоплаш учун ижарага берувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4890 "Бошқа дебиторлар қарзлари" счёти.

Хўжалик юритувчи субъектларда шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин асбоб-ускуналарни кирим қилишда уларнинг қиймати 0310-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётига ёки 0800-«Капитал қўйилмалар» счёти дебетига (агар уларни ўрнатиш шартноманинг амал қилиш муддатигача тугалланмаган бўлса) 0130-«Машина ва ускуналар» счёти кредитига ҳамда 0299-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти дебетига ва унга оид асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиб борувчи 0211-0290-счётларга ўтказилади. «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомга биноан ижара муомалалари бўйича харажатлар тартибга солиб борилади.

0310-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти бўйича таҳлилий ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентарь объектлари бўйича юритилади. Бу қуйидаги жадвалда 1-жадвалда берилган.

«Резаксой сув қурилиш» унитар корхонасида асосий воситаларни ижарага олиш бўйича операциялар қуйидагилар билан акс эттирилади.

«Резаксой сув қурилиш» унитар корхонасида молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0300)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Сумма (минг сўмда)	Счётларнинг боғланиши	
			Дебет	Кредит
1	Молиявий ижара шартномаси бўйича асосий воситаларнинг келиб тушиши	15000	0310	6950 7910
2	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг хусусий асосий воситалар таркибига ўтказилиши. Бир вақтнинг ўзида эскириш суммасининг ўтказилиши	15000	0110- 0190	0310
		5000	0299	0211- 0290
3	Молиявий ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектга ҳисобланган эскириш суммаси	5000	0299	0310
4	Молиявий ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектлар бўйича молиявий ижара шартномаси бўйича тўланмай қолган қолдиқнинг: жорий қисмига узоқ муддатли қисмига	2000	6950	0310
		3000	7910	0310
5	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	1500	0310	8510
		1700	8510	0310

Мулкни кейинчалик қайта ижарага олиш шarti билан сотиш ҳолларида, ижарага берувчининг мулкани сотиш операциялари олди-сотди сифатида қаралади ва сотувчининг бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби

ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"га мувофиқ амалга оширилади¹⁹.

Агар молиявий ижара объекти, ижарага берувчининг рухсати билан яхшиланган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки шартнома бекор қилинган, ижарачи ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларининг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, агарда молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса.

Ижарага берувчининг рухсатсиз амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилашга сарфланган маблағлар ва уларни молиявий ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имконияти бўлмаса, молиявий ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинган, улар ижарага берувчига текинга ўтади, агарда молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган.

2.3. Ижарага берувчида молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби

Молиявий ижара объектларини кейинчалик молиявий ижарага бериш мақсадларида харид қилиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара объектлари уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини қўшган ҳолда (агар улар қопланмаса) кирим қилинганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" ёки 6120 "Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар" ёки турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ёхуд бошқа тегишли счётлар;

¹⁹ 21-сон "Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти". 2002 йил 23 октябрь, рўйхат рақами 1181-меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 20-сон

б) молиявий ижара объектларини харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларга:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счёти, 6110 "Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар", 6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар", турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар;

в) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчи томонидан қопланадиган ва ижарага берувчи томонидан молиявий ижара объектини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар амалга оширилганда:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчи томонидан қопланмайдиган ва ижарага берувчи томонидан молиявий ижара объектини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар амалга оширилганда:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

д) ижара объектини харид қилиш ва уни белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ хизматларни кўрсатган мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги қарзларнинг тўланиши (қопланиши):

дебет 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар", 6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар", турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) ва бошқа тегишли счётлар;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Агар молиявий ижара шартномасининг шарти бўйича молиявий ижара объекти сотувчи томонидан ижарага берувчини четлаб бевосита ижарага олувчига етказиб берилса, ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида молиявий ижара объектининг кирими ва чиқими тўғрисидаги ёзувлар молиявий ижара объектининг ҳаракатини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Агар молиявий ижара шартномасининг шарти бўйича ижарага берувчи томонидан молиявий ижара объекти сотиб олинган бўлса, лекин ижарага олувчи маълум сабабларга кўра уни қабул қилишдан бош тортса, мазкур молиявий ижара объекти ундан фойдалангунга ёки чиқиб кетгунга қадар капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларда (0800) ҳисобга олинади.

Агар минимал ижара тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг жорий қийматидан паст бўлса, унда молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида минимал ижара тўловларининг дисконтланган қиймати бўйича тан олиними лозим.

Агар минимал ижара тўловларининг дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг жорий қийматидан юқори бўлса, унда молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида молиявий ижара объектининг жорий қиймати бўйича тан олиними лозим.

Молиявий ижара объектлари берилганда, ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қиймат билан молиявий ижара объектининг бошланғич (агар берилаётган

объект олдин фойдаланилмаган бўлса) ёки қолдиқ (агар объект берилгунга қадар фойдаланишда бўлган бўлса) қиймати ўртасидаги фарқ 8510 “Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётида ҳисобга олинadиган молиявий ижара объектларининг қайта баҳолаш натижаларини, яъни, ушбу молиявий ижара объекти баҳосининг олдинги ўсиши суммасининг, ижара объекти баҳосининг олдинги пасайиши суммасидан ортган суммасини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар қилингандан сўнг, кечиктирилган даромад (харажат) сифатида акс эттирилади ва ижара тўловининг ҳисобланишига қараб бир маромда (ойма-ой) асосий фаолиятнинг бошқа даромадларига (бошқа операцион харажатларига) олиб борилади.

Молиявий ижара объектларининг ижарага олувчига берилиши, агар бериладиган объект олдин фойдаланилмаган бўлса, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара объектлари молиявий ижарага берилганда, ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинadиган қийматига:

дебет 0920 "Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар" счёти;

кредит 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

б) молиявий ижара объектларининг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

в) молиявий ижара объектининг қайта баҳолаш натижалари (қолдиқ) суммасига:

дебет 8510 "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар";

кредит 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларини бериш натижасида кечиктирилган даромадлар пайдо бўлганда:

дебет 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти;

д) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларини бериш натижасида кечиктирилган харажатлар пайдо бўлганда:

дебет 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти;

кредит 9220 "Бошқа активларнинг чиқиб кетиши" счёти.

Молиявий ижара объектларининг ижарага олувчига берилиши, агар берилаётган объект олдин фойдаланишда бўлган бўлса, яъни, асосий воситалар таркибида бўлган ҳолатда, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) асосий воситалар молиявий ижарага берилганда, ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив (дебиторлик қарзи) сифатида тан олинадиган қийматига:

дебет 0920 "Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

б) асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100);

в) асосий воситаларнинг жамланган эскириши ҳисобдан чиқарилганда:

дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200);

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

г) ижарага берувчи томонидан молиявий ижара объектини етказиб бериш ва уни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлар суммасига:

дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000), меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700),

суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

д) асосий воситаларнинг ушбу объектини қайта баҳолаш натижалари (қолдиғи) суммасига:

дебет 8510 "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" счёти;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

е) молиявий ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни бериш натижасида кечиктирилган даромадлар пайдо бўлганда:

дебет 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

кредит 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти;

ж) молиявий ижара шартномаси бўйича асосий воситаларни бериш натижасида кечиктирилган харажатлар пайдо бўлганда:

дебет 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти;

кредит 9210 "Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши" счёти;

Молиявий ижара объектларининг молиявий ижара шартномаси бўйича берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромадлар ва кечиктирилган харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида пайдо бўлган узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти;

кредит 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счёти;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган даромадларнинг жорий қисмининг ҳисобот даври давомида бир маромда молиявий натижаларга ўтказиб борилиши:

дебет 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счёти;

кредит 9390 "Бошқа операцион даромадлар" счёти;

в) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ, молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида вужудга келган узоқ муддатли кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счёти;

кредит 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида пайдо бўлган кечиктирилган харажатларнинг жорий қисмининг ҳисобот даври давомида бир маромда молиявий натижаларга ўтказиб борилиши:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счёти.

Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналар жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган ижарага берувчининг ҳисобланган даромади суммасини ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар";

кредит 9030 "Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар" счёти.

Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналар жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган ижарага берувчининг ҳисобланган даромади суммасини ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттиради:

дебет 4830 "Олинадиган фоизлар"счёти;

кредит 9550 "Молиявий ижарадан даромадлар"счёти.

Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланган корхоналарда ижарага олувчидан ижара тўловларининг келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича олинadиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 "Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар - жорий қисми" счёти;

кредит 0920 "Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар" счёти;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4810 "Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар - жорий қисми" счёти;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар" счёти;

в) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича ижарага олувчидан бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 "Бошқа олинган бўнаклар" счёти;

г) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда ижарага олувчидан олдин олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашишга) олиб борилганда:

дебет 6390 "Бошқа олинган бўнаклар" счёти;

кредит 4810 "Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар - жорий қисми" счёти;

кредит 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар".

Мулкни молиявий ижарага бериш асосий фаолияти ҳисобланмаган корхоналарда ижарага олувчидан ижара тўловларининг келиб тушиши бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ молиявий ижара бўйича олинadиган узоқ муддатли тўловларнинг жорий қисми ўтказилганда:

дебет 4810 "Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар - жорий қисми" счёти;

кредит 0920 "Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар" счёти;

б) молиявий ижара шартномаси бўйича ижарага олувчидан пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 4810 "Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар - жорий қисми" счёти;

кредит 4830 "Олинadиган фоизлар" счёти;

в) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келмаган ижара тўловлари бўйича ижарага олувчидан бўнак келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

кредит 6390 "Бошқа олинган бўнаклар" счёти;

г) ижара тўловлари жадвалига (тартибига) мувофиқ тўлов муддати етиб келганда, ижарага олувчидан олдин олинган бўнаклар қоплашга (ҳисоблашга) олиб борилганда:

дебет 6390 "Бошқа олинган бўнаклар" счёти;

кредит 4810 "Молиявий ижара бўйича олинadиган тўловлар - жорий қисми" счёти;

кредит 4830 "Олинadиган фоизлар" счёти.

Молиявий ижара шартномаси муддати тугагандан кейин ижарага олувчи томонидан молиявий ижара объектининг қайтарилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижара объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 4810 "Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар - жорий қисми" счёти;

б) ижарага олувчи томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилаш харажатларининг ижарага берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарага берувчи томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

г) ижарага олувчи томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилаш бўйича харажатларини қоплаш учун пул маблағлари ўтказилганда:

дебет турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар.

Ижарага олувчи томонидан молиявий ижара объектини муддатидан олдин қайтариши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) молиявий ижара тўхтатилган санадаги молиявий ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижара объектининг қопланмаган қиймати суммасига:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит 4810 "Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар - жорий қисми" счёти;

кредит 0920 "Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти - узоқ муддатли қисми;

б) ижарага олувчи томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини яхшилаш харажатларининг ижарага берувчи томонидан қоплаш учун тан олиниши:

дебет капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800);

кредит турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900);

в) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида вужудга келган кечиктирилган даромадларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиш:

дебет 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счёти - жорий қисми;

дебет 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счёти - узоқ муддатли қисми;

кредит 9390 "Бошқа операцион даромадлар" счёти;

г) молиявий ижара шартномаси бўйича молиявий ижара объектларининг берилиши натижасида вужудга келган кечиктирилган харажатларнинг қолган суммаларини молиявий натижаларга ўтказиш:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит 3290 "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счёти - жорий қисми;

кредит 0990 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар" счёти - узоқ муддатли қисми;

д) молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарага берувчи томонидан амалга оширилган молиявий ижара объектини қайтариш бўйича харажатлар (бузиш, ташиш ва бошқалар) суммасига:

дебет 9430 "Бошқа операцион харажатлар" счёти;

кредит меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар (6700), суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500) ва бошқа тегишли счётлар;

Бу муомалаларни қуйидаги мисол орқали ёққол кўриш мумкин:

1-мисол: “Резаксой сув қурилиш” унитар корхонаси ижара шартномаси бўйича бериладиган объект қийматининг 15 % миқдорида бўнак олинди – 20000 сўм

Д-т 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти - 20000 сўм

К-т 6390-«Бошқа олинган бўнақлар» счёти - 20000 сўм

Ҳисобот даврида олинадиган ижара ҳақи суммаси - 30000 сўм, шундан олинган бўнак суммаси ушлаб қолинди, қолган сумма ҳисоб-китоб счётига ўтказиб берилди:

Д-т 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти - 10000 сўм

Д-т 6390-«Бошқа олинган бўнақлар» счёти - 20000 сўм

К-т 4810-«Молиявий ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти - 30000 сўм

2 - мисол. Қурилиш корхонаси 5 йил муддатга “Т-130” тракторини кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара олувчига берди:

Тракторнинг баланс қиймати – 15000000 сўм.

Ижара бўйича шартнома баҳоси - 18000000 сўм.

Ҳар йили сотиш баҳосидан тўланадиган фоиз 5%

Тракторнинг хизмат қилиш муддати 10 йил.

Қурилиш корхонаси тракторнинг шартнома қийматидан 15% - 2700000 сўм бўнак олган.

Шартнома шарти бўйича бу бўнак биринчи йилги тўланадиган ижара ҳақи суммасидан ушлаб қолинади.

Ушбу муомалалар ижарага берувчи корхонанинг балансида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Қурилиш корхонаси “Т-130” тракторини мол етказиб берувчилардан сотиб олди. Тракторнинг қиймати ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар

Д-т 0820-“Асосий воситаларни сотиб олиш” счёти -500000 сўм

К-т 6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти -500000 сўм

Сотиб олинган асосий воситалар қиймати тўланди:

Д-т 6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти -500000 сўм

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти -500000 сўм

3. “Т-130” тракторининг инвентар қиймати аниқлангандан сўнг, асосий воситалар таркибига қабул қилинди

Д-т 0130-«Машина ва ускуналар» счёти -500000 сўм

К-т 0820-“Асосий воситаларни сотиб олиш” счёти -500000 сўм

“Т-130” тракторининг шартнома баҳосидан 15% - 120000 сўм бўнак олинди

Д-т 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти - 120000 сўм

К-т 6390-«Бошқа олинган бўнақлар» счёти - 120000 сўм

“Т-130” трактори шартнома бўйича 5 йил муддатга ижарага берилди. Биринчи йили қайтариладиган ижара ҳақи суммаси 160000 сўм. Қолган 4 йил ичида қайтариладиган ижара ҳақи суммаси - 640000 сўм:

а) ижара суммасининг жорий йилда олинадиган қисмига:

Д-т 4810-«Молиявий ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счёти -160000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счёти -160000 сўм

б) ижара муддатининг қолган тўрт йил ичида олинадиган қисмига:

Д-т 0920-«Молиявий ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти - 640000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счёти -640000 сўм

6. Молиявий ижара бўйича ижарага берилган “Т-130” тракторининг баланс (инвентар) қиймати ҳисобдан чиқарилди

Д-т 9210 – 500000 сўм

К-т 0130 – 500000 сўм

7. “Т-130” тракторини ижарага беришдан олинган даромад суммасига (9210-счётининг кредит қолдиғи):

а) жорий йил даромадига ўтказиладиган суммага (250000:5) 50000 сўм.

Д-т 9210 – 50000 сўм

К-т 6210 – 50000 сўм.

б) ижара муддатининг келгуси тўрт йил ичида даромадга ўтказиладиган қисмига – 200000 сўм.

Д-т 9210 – 200000 сўм

К-т 7290 – 200000 сўм.

Фоизлар қўшилган ҳолда ижара бўйича ҳар йили тўланадиган сумма қуйидагича ҳисоблаб топилади:

7 -жадвал

Ижара тўловларини ҳисоблаш тартиби²⁰

Йиллар	Асосий қарз	Фоиз ставкаси	Тўлов муддати ичида тўланадиган фоиз суммаси	Муддати бўйича тўланадиган асосий қарз суммаси	Фоизлар билан бирга тўланадиган асосий қарз суммаси
1	800000	5	40000	160000	200000
2	800000	5	40000	160000	200000
3	800000	5	40000	160000	200000
4	800000	5	40000	160000	200000
5	800000	5	40000	160000	200000
Жами:			200000	800000	1000000

²⁰ Гадоев Е. ва бошқалар “Йиллик ҳисобот”- 2008, НОРМА нашриёти 2009 йил.

Юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, ижара тўловлари бўйича фоизлар қўшилган ҳолда ҳар йили бир ҳил миқдорда ҳақ тўланади ва лизинг муддатининг иккинчи йилидан бошлаб йил бошида жорий йилда олинadиган лизинг тўловлари суммасига молиявий ижара бўйича узоқ муддатли олинadиган тўловлар суммаси қуйидаги проводка билан камайтириб бoрилади: Д-т 4810, К-т 0920. Шу билан бирга лизинг муомаласидан олинган даромаднинг бешдан бир қисмига 7290-счёти дебетланиб, 6210-счёт кредитланади.

Ҳисобот даври охирида ижара ҳақи суммаси 160000 сўм, шундан олинган бўнак суммаси 120000 сўм ушлаб қолинди. қолган 40000 с. (160000-120000) «Ҳисоб-китоб счёти»га ўтказиб берилди.

Д-т 5110-“Ҳисоб-китоб счёти”

Д-т 6390-«Бошқа олинган бўнақлар» счёти

К-т 4810-«Молиявий ижара бўйича олинadиган жорий тўловлар» - жорий қисми.

Шу билан бирга лизинг муомаласидан олинган даромаднинг бешдан бир қисми – 50000 сўм фойдага ўтказилди.

Д-т 6210 “Муддати узайтирилган даромад” –жорий қисми счёти - 50000 сўм.

К-т 9550-«Молиявий ижарадан олинadиган даромадлар» счёти - 50000 сўм.

Умуман олганда, корхоналарда асосий воситаларни ижарага беришда уларнинг қиймати, хизмат муддати, ҳолати, янгиланганлик даражаси, уларга эскириш ҳисоблаш, сифати ва уларнинг самарадорлиги каби кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга. Демак, ҳар бир тузумнинг ривожланиши юқоридаги ҳисоб-китобларнинг тўғри ва тўлиқ олиб бoрилиши, ундаги меҳнат воситаларининг такомиллашишига, ривожланиш ва фойдаланиш даражасига бевосита боғлиқдир.

III-БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ИЖАРАСИ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Асосий воситалар ижараси бўйича халқаро тажриба

Ижара муносабатларини ривожланиши бевосита ушбу муносабатларни ҳисобга олишни такомиллаштиришдан бошланади. Бунинг учун нафақат ижарага олувчи балки ижарага берувчида ҳам ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Чет эл тажрибаси ижарадан фойдаланишда айрим минтақаларга ва бозор секторларига имтиёзлар бериш зарурлигидан далолат беради.

Асосий воситаларни ижарага олувчи корхоналар шартнома тузиш вақтида ижара тўловининг ҳажмининг юқорилиги ва уни ўз вақтида тўлай ола олмасликдан чўчишади. Бундай ҳолатга халқаро тажрибадан келиб чиқиб ҳеч ажабланарли ҳол деб қарамаслик лозим. Чунки, бу ерда суғурта компаниялари ўз хизматларини таклиф қиладилар.

Умуман олганда, ижара тўловларини мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи мулк реализациясининг иқтисодий шаклларида бири ҳолатида тасвирлаш мумкин. Ижарага берувчи ижара мулкни ижарага бераётганда унинг қиймати қўшимча аниқ фоиз ҳақ билан қайтиб келишини мақсад қилади.

Кўпгина мамлакатларда молиявий ижара (лизинг) воситаси энг аввало ўзининг солиқ имтиёзлари туфайли фойдаланилади. Гап лизинг объектини солиққа тортиш мақсадида жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш имкониятлари тўғрисида кетади, чунки айнан жадаллаштирилган амортизация лизинг асосида ётади. Бу шу билан тасдиқланадики, охирги бир неча ўн йилликлар мобайнида АКШ ва Ғарбий Европада асосан тезлаштирилган амортизация бўйича солиқ имтиёзларга мувофиқ лизинг кучли молиявий воситага айланди.

Россияда охирги йилларда лизинг хизматлари бозори анча кенгайди. Бунда асосий ролни Россия солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар

ўйнади. Ушбу ўзгартиришларга асосан корхона ўзининг ялпи даромадидан лизинг мулкининг тезлаштирилган коэффиценти 3 каррагача бўлган жадаллаштирилган усули билан ҳисобланган амортизациянинг барча суммасини чегириши мумкин. Шундай қилиб, жадаллаштирилган амортизация нимани англатади?

Тезлаштирилган амортизация – амортизациялашнинг шундай усулики, унда асосий воситаларнинг ишлатилишининг биринчи йилларда амортизация ажратмаларнинг энг кўп ҳажмда ҳисоблашни кўзда тутилади. Жадаллаштирилган амортизацияни солиққа тортиш мақсадида қўлланилиши шундан иборатки, у асосий воситаларнинг қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) таннархига тезлаштирилган тартибда киритилишини англатади ва бу ўз навбатида фойда солиғининг тортиш базасини камайтиради. Бундай тартиб янги киритилган асосий воситалар хизмат муддатининг фақат биринчи ярмида қўлланилади. Хизмат муддатининг иккинчи ярмида тескари ҳолати кузатилади, яъни амортизация ажратмалари кичик суммани ташкил қилади ёки умуман бўлмайди. Демак, солиққа тортиш базаси кўпаяди. Шундай қилиб, жадаллаштирилган амортизация солиқ имтиёзларнинг бошқа турларига нисбатан устунроқ. Чунки унинг қўлланилиши ҳисобидан корхоналарга тақдим қилинган қўшимча маблағлар кейин давлат бюджетига қайтади.

Ўзбекистонда ҳам жадаллаштирилган амортизацияни қўллашга рухсат этилади. Аммо солиққа тортиш мақсадида амортизация ажратмалари Солиқ кодексида белгиланган меъёрлар билан чегараланган. Бу солиққа тортиш базасини аниқлашда амортизация ажратмалари фақат белгиланган меъёрлар ичида олинишини, амортизацияни жадаллаштирилган усул билан ҳисоблашда бу меъёрлардан ошиши содир бўлган фарқни эса фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасига киритилиши англатади. Бундан ташқари солиқ тўловчи кейинги йилларда ҳам бу фарқни солиққа тортиш базасидан айириш ҳуқуқига эга эмас.

Тажриба кўрсатишича, жадаллаштирилган амортизация воситаси катор мамлакатларнинг иқтисодиётини жуда тез техник қайта қуроллашга ёрдам беради. Маълум схемани керакли даражада ишлаб чиққанда корхоналарга асосий воситаларга йўналтирилган инвестицияларни тезроқ ва самаралироқ қоплаш имкониятини беришда бу чора иқтисодиётнинг реал секторига инвестиция оқимини оширишда қулай шароитлар яратиб беради.

Демак, ижарага олувчи ўзининг ҳисоб сиёсатида давлат томонидан истисно тариқасида лизинг объектлари учун берилган амортизация ажратмалари бўйича имтиёзларни ўзининг ҳисоб сиёсатида акс эттирса ва уни тўғри ҳисоб-китоб ишларини амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ижара тўловларининг аниқ миқдори шартномадаги томонлар келишувига биноан конкурс асосида яъни талаб ва таклиф асосида аниқланиши лозим. Ижара тўловлари ҳисоб-китоби бўйича услубий йўриқномаларга биноан ижара тўловлари ўз таркибига:

- ижара мулкига бутун ижара шартномасида кўрсатилган муддатда ҳисобланган амортизация ажратмалари;
- ижарага берувчи ижара мулкни қўллаб қўйиб фойдаланиш учун олинган кредитни қоплаш компенсация харажатлари;
- ижарага берувчининг асосий хизмат кўрсатганлиги яъни ижара шартномаси асосида мулкни ўз вақтида етказиб берганлиги учун воситачилик-мукофот пули ёки маржаси;
- ижара шартномасида назарда тутилган қўшимча «сервис» хизматлари учун лизинг берувчига тўловлар;
- қўшимча қиймат солиғи каби тўловларни олади.

Ижара тўловлари ижарага олувчи томонидан алоҳида ижара бадаллари кўринишида тўланади. Ижара шартномасида томонлар ижара тўловларини умумий суммасини, унинг шаклини, ҳисоблаш услубини, даврийлигини ва тўлаш тартибини келишиб оладилар.

Тўловларни тўлаш шакли қуйидагича фарқланади:

- пул шаклида;
- компенсацияли;
- ижарага олувчининг маҳсулоти ёки хизмати шаклида;
- аралаш шаклда (пул шаклида ҳамда ижарага олувчининг маҳсулоти хизмати шаклида).

8-жадвал

Ижара тўловларини тўлаш шакллари

Тўлов кўриниши бўйича	Ҳисоблаш усули бўйича	Даврийлиги бўйича	Тўлов тартиби бўйича
Пулли	Капитал қўйиш орқали	Бир вақтда	Тенг улушларда
Компенсацион	Бўнак орқали	-	Ошиб борувчи миқдорларда
Аралаш	Энг кам даража орқали	-	Камайиб борувчи миқдорларда

Ижара тўловларини аниқлаш ижара тури, кўриниши ва тўлов тартиби ва иқтисодий шароитига боғлиқ равишда ЎзР Марказий банки бошқарувининг 1997 йил 29 мартдаги II баённомаси билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан ижара операцияларини ўтказиш тартиби» йўриқномасига биноан амалга оширилади. Қоидага кўра, барқарор иқтисодий шароитда ижара тўловларининг қиймати мулкка амортизация ажратмалари, кредит ресурсларига тўловлар, комиссия тўловлар, сервис хизматлари учун тўлов, қўшилган қиймат солиғи, божхона тўловлари (халқаро лизинг вақтида), суғурта рисклари бўйича харажат суммаларидан иборат бўлади. Услубиётда ижара тўловларининг ҳар бир элементи умумий ўрнатилган тартибда тажрибадан келиб чиқиб аниқланади. Мисол учун, ижара мулкига амортизация ажратмалари (А) оддий ва жадаллашган усулда ҳисобланади.

Анъанавий усулдан ижара мулкнинг қиймати (МЎ) ва унинг эксплуатацияли фойдаланиш муддати $TЭ/А = МЎ / TЭ$ га боғлиқ равишда амал қилаётган меъёрларга асосланади.

Жадаллашган амортизацияни қўлланганда мулкнинг тўла қайта тикловчи амортизация ажратмаларининг меъёри 3 марта ортади.

9-жадвал

Ижара тўловларининг дегрессив (ўзгармас) ставкадаги варианты²¹

(минг сўм.)

Тўловлар даврийлиги	Мулкнинг тўланмаган қиймати (Мқ- 5-уст.)	Ижара тўловлари (ЛБЧ)	Шу жумладан	
			Фоизлар (2-уст.* 0,15/4)	Мулк қийматининг қопланиши (3-уст.-4-уст.)
1-чорак	1000,0	68,38	-	68,38
2- чорак	931,62	68,38	34,94	33,44
3-чорак	898,18	68,38	33,66	34,72
4-чорак	863,46	68,38	32,16	36,22
Жами: 1-йил		273,52	100,76	172,76
2-йил		273,52	115,50	158,02
3-йил		273,52	90,43	183,09
4-йил		273,52	61,38	212,14
5-йил		273,52	27,73	145,79
Қолдиқ қиймат	28,46	29,53	1,07	28,20
5-йил бўйича ҳаммаси:		1397,13	397,13	1000,0

Юқоридаги жадвалга асосан, агар ижарага олувчининг молиявий аҳволи, ижара мулки ўзини ишлаб чиқаришда ўзини қоплаши қийин

²¹ Гадоев Е. ва бошқалар “Йиллик ҳисобот”- 2008, НОРМА нашриёти 2009 йил.

бўлган бир даврда ўша маълум шартлар (тўловнинг муддати, даврийлиги, мулкнинг қолдиқ қиймати) асосида бошланғич харажатларни икки бараварга оширишга рухсат берган ҳоллардагина % тўловларидан иқтисод қилишга эришилади.

10-жадвал

Ижара тўловларининг прогрессив (ошиб бориш) ставкадаги варианти²²

(минг сўм.)

Тўловлар даврийлиги	Мулкнинг тўланмаган қиймати (МЎ- 5-уст.)	Ижара тўловлари (ЛБЧ)	Шу жумладан	
			Фоизлар (2- уст.*0,15/4)	Мулк қийматининг қопланиши (3-уст.-4-уст.)
1-чорак	1000,0	127,80	-	127,87
2- чорак	872,13	63,90	32,20	31,70
3-чорак	840,06	63,90	31,53	32,37
4-чорак	808,06	63,90	30,32	33,58
Жами: 1-йил		319,51	94,56	225,92
2-йил		255,61	108,22	147,39
3-йил		255,61	83,71	171,62
4-йил		255,61	57,74	197,87
5-йил		255,61	26,36	228,26
Қолдиқ қиймат	28,46	30,85	1,11	29,34
5-йил бўйича ҳаммаси:		1372,80	372,80	1000,0

Бунда, тўлов муддатини узайтириш лизинг олувчининг алоҳида ҳоллардаги таклиф ва розилиги билан амалга оширилади ва бу уни маълум

²² Гадоев Е. ва бошқалар “Йиллик ҳисобот”- 2008, НОРМА нашриёти 2009 йил.

кўшимча харажатлар қилишга олиб келади. Масалан, биринчи 6 ойга тўловнинг орқага сурилиши қарз %ини 86,8 м. сўмга ортиши каби шарт кўйилиши билан изоҳланади.

11-жадвал

Ижара тўловларининг имтиёзли ставкадаги кўриниши²³

(минг сўм.)

Тўловлар даврийлиги	Мулкнинг тўланмаган қиймати (МЎ- 5-уст.)	Ижара тўловлари (ЛБЧ)	Шу жумладан	
			Фоизлар (2-уст.*0,15/4)	Мулк қийматининг қопланиши (3-уст.-4-уст.)
1-чорак	1000,0	-	-	-
2- чорак	1037,50	-	-	-
3-чорак	1076,40	76,36	40,36	36,00
4-чорак	1040,40	76,36	39,01	37,35
Жами:				
1-йил		305,44	153,15	152,30
2-йил		305,44	128,99	176,45
3-йил		305,44	101,00	204,44
4-йил		305,44	68,56	236,88
5-йил		305,44	30,44	274,46
Қолдиқ қиймат	31,89	33,08	1,19	31,89
5-йил бўйича ҳаммаси:		1560,28	483,88	1076,40

Юқоридаги жадвалдага кўра, ижара тўловларининг ҳисоб-китоби (дисконтлаш усули ёрдамида) тўғирланади, яъни $KД=(1+0,15/4)5*4=1,0764$

²³ Гадоев Е. ва бошқалар “Йиллик ҳисобот”- 2008, НОРМА нашриёти 2009 йил.

Умумий ижара тўлови $ЛТ=1000*1,0764=1076,40$ м.сўмга тенг бўлади, бунда даврий ижара тўлови $БЧ=1000*0,07196* 0,98584*1,0764=76,36$ м.сўмга тўғри келади.

Демак, кичик бизнес субъектларининг фаолиятини кенгайтириш ва молиявий барқарорлигини янада оширишда ижара тўловлари моҳиятини аниқ ва равшан англаб олиш катта аҳамият касб этади. Жумладан, юқорида келтирилган ижара тўловларининг аниқланиш тартиби ва тўлов кўринишлари асосида субъектлар ўзига манфаатли ҳамда истиўболли йўлни танлаб олиш имконияти яратилади. Ҳозирги кунда лизинг компания ва корхоналари олдида турган муаммоли масалалардан бири ижара тўловлари таркибидаги амортизация ажратмалари ва ҚҚС миқдорининг юқорилиги ҳамда булар бўйича имтиёзларнинг йўқлигидир. Ўйлаймизки, келажакда ташкил этилаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари бундай муаммоларга камроқ дуч келишади, чунки бу каби муаммолар яқин келажакда ўз ечимини топиши муқаррар ва ижара фаолиятининг истиқболи порлоқ.

3.2. Ижарага олинган асосий воситалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш (МХХС-17 ва БХМС-6)

Асосий воситалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ушбу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида ўзаро манфаатли асосда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишига боғлиқ эканлиги ўз тақлиф ва тавсияларимизга биноан ушбу бобда ёритиб берилди. Бу ижара муомалалари бухгалтерия ҳисоби бўйича такомиллаштириш йўллари амалиётга жорий этилса, ижара жараёнларининг ривожланишига катта ҳисса қўшар эди, деган умиддамиз.

Ҳисоб тизимини ислоҳ қилиш ва бунинг оқибатида ишончли молиявий маълумотлар олиниши, ҳар бир корхонада назоратни яхшилаш,

хорижий инвесторларнинг, тақдим этилаётган ахборотнинг сифатига бўлган ишончни оширади. Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлар даражасига чиқиши керак. Шунинг учун, қуйидаги солиштирма жадвалда биз, “Ижара ҳисоби” номли халқаро ва миллий стандартларнинг ўзаро фарқланиш ва ўхшашлик томонларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилдик.

12-жадвал

17-сонли “БҲХС”	6-сонли “БҲМС”
Ижара - ижарага берувчи ижарачига бир ёки бир неча тўловлар эвазига келишилган муддат давомида активдан фойдаланиш ҳуқуқини беришини кўзда тутадиган келишувдир.	Ижара - келишувга биноан бир томон (ижарага берувчи) бошқа томонга (ижарага олувчига) ҳақ эвазига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки келишилган муддат давомида мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини беришдир.
Молиявий ижара – активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча хатарлар ва мукофотларни келишувнинг бир томонидан бошқа томонига ўтказувчи ижара. Эгалик ҳуқуқи пировардида ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги мумкин.	Молиявий ижара - мулкни (молиявий ижара объектини) шартномага биноан ўн икки ойдан ортиқ муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини беришда юзага келадиган ижаравий муносабатлар.
Оператив ижара – молиявий ижарадан ташқари бошқа ҳамма ижара келишувлари.	Оператив ижара - молиявий ижара шартномаси ҳисобланмайдиган мулккий ижара шартномасига биноан мулкни вақтинчалик эгалик қилишга ёки фойдаланишга бериш.
Ижара муддатининг бошланиши – ижарачи ижарага олинган активдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириб бошлаши мумкин бўлган сана.	Ижаранинг бошланиш муддати - ижара шартномасининг шартларига мувофиқ ижарачи ижарага олинган ижара объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаган сана.
Ижара муддати – ижарачи активни ижарага олишга келишилган, муддатидан олдин бекор қилинмайдиган давр билан ижарачи активнинг ижарасини қўшимча тўловни амалга ошириб ёки	Ижара муддати - бекор қилинмайдиган ижара (лизинг) келишуви амал қиладиган давр, шунингдек ҳар қандай кейинги даврлар бўлиб, бу даврлар мобайнида ижарачи (лизингга

17-сонли “БҲХС”	6-сонли “БҲМС”
оширмасдан давом қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва ижаранинг бошланишида ижарачи ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши етарли даражада аниқ бўлган ҳар қандай кўшимча муддат.	олувчи) ижара (лизинг) шартномаси тузилганда айтиб ўтилганидек, мазкур келишувни узайтириши мумкин.
Минимал ижара тўловлари – ижара муддати давомида ижарачи томонидан тўланадиган ёки тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган тўловлар билан суммалар, бундан шартли ижара ҳамда ижарага берувчига тўланадиган ёки қопланадиган хизматлар ҳақи ва солиқлар мустасно.	Минимал ижара тўловлари – ижарачи томонидан ижара муддати давомида тўланадиган ижара тўловлари ва ижара (лизинг) объектининг кафолатланган қолдиқ қиймати суммаси.
Кафолатланмаган қолдиқ қиймати – ижарага берилган актив қолдиқ қийматининг бир қисми бўлиб, у ижарага берувчи томонидан пулланиши кафолатланмайди ёки холос ижарага берувчи билан боғлиқ тараф томонидан кафолатланади.	Кафолатланмаган қолдиқ қиймат - ижара объекти қийматининг бир қисми бўлиб, ижара шартномасининг бошланишида, унинг сотилишини ижарага берувчи кафолатламайди ёки у ижарага берувчи билан боғлиқ тараф томонидангина кафолатланади.
Ижарада кўзда тутилган фоиз ставкаси - (а) минимал ижара тўловлари ва (б) кафолатланмаган қолдиқ қиймати йиғиндисининг келтирилган қиймати (i) ижарага олинган активнинг ҳаққоний қиймати ва (ii) ижарага берувчининг дастлабки бевосита харажатлари йиғиндисига ижара бошланиши пайтига тенг бўлишини таъминлайдиган дисконт ставкасидир.	Ижара шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси - ижара (лизинг) муддатининг бошланишида ижара (лизинг) объектининг жорий қиймати билан минимал ижара (лизинг) тўловлари ва кафолатланмаган қолдиқ қиймати суммаси йиғиндисининг дисконтланган қийматининг тенг бўлишини таъминлайдиган дисконт ставкасидир.
Ижарачи учун қарз капиталнинг ўсиб боровчи фоиз ставкаси – худди шундай ижара келишуви бўйича ижарачи томонидан тўланиши талаб этилган бўлиши мумкин бўлган фоиз ставкаси.	Қарз капиталининг ўсиб боровчи фоиз ставкаси - бу худди шундай ижара (лизинг) шартномаси учун ижарачи (лизингга олувчи) тўлаши лозим бўлган фоиз ставкаси.

“Ижара ҳисоби” номли 17-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида келтирилишича минимал ижара тўловлари тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган тўловлар билан қуйидаги суммалар, бундан шартли ижара ҳамда ижарага берувчига тўланадиган ёки қопланадиган хизматлар ҳақи ва солиқлар мустасно:

- а) ижарачи учун – ижарачи ёки у билан боғлиқ шахс томонидан кафолатланган ҳар қандай суммалар; ёки
- б) ижарага берувчи учун – қуйидагилар томонидан ижарага берувчига кафолатланган ҳар қандай қолдиқ қиймати суммаси:
 - ижарачи;
 - ижарачи билан боғлиқ томон; ёки
 - ижарага берувчига боғлиқ бўлмаган ва кафолат бўйича мажбуриятларни молиявий жиҳатдан бажара оладиган учинчи томон.

Бироқ, агар ижарачи тегишли активни унинг ҳаққоний қийматидан шу қадар паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлсаки, бунинг натижасида ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши етарлича аниқ деб ижаранинг бошланишида ҳисоблаш мумкин бўлса, минимал ижара тўловлари ижара муддати давомида ушбу сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширилиши кутилаётган санагача тўланадиган минимал тўловларни ҳамда ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун талаб қилинадиган тўловни ўз ичига олади.

Ижара келишуви ёки шартномаси ижаранинг бошланиши билан ижара муддатининг бошланиши орасидаги давр ичида ижара объектини қуриш ёки сотиб олиш таннархидаги ўзгаришларни ёки таннарх ёхуд қийматнинг қандайдир бошқа ўлчовидаги, масалан умумий нархлар даражасидаги, ўзгаришларни ёки ижарага берувчининг ижарани молиялаштириш харажатларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, ижара тўловларини ўзгартириш шартини ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳолатда, мазкур

Стандарт мақсадида бу каби ўзгаришларнинг оқибатлари ижара бошланишида мавжуд бўлган деб ҳисобланиши керак.

Ижаранинг таърифи ижарачига келишилган шартлар бажарилганидан кейин активга эгалик қилиш ҳуқуқини олиш имкониятини берадиган, активни ижарага бериш шартномаларини қамраб олади. Бундай шартномалар баъзида сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ижара шартномалари номи билан маълум.

Ижарачилар, МҲХС 7 “Молиявий инструментлар: Маълумотларни очиб бериш” талабларига риоя қилиш билан бирга, молиявий ижара бўйича қуйидаги маълумотларни очиб беришлари лозим:

а) активларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича, ҳисобот даври охиридаги соф баланс қийматини.

б) келгуси минимал ижара тўловларининг ҳисобот даври охиридаги жами суммаси билан уларнинг келтирилган қиймати ўртасидаги солиштирмасини. Бундан ташқари, ташкилот келгуси минимал ижара тўловларининг ҳисобот даври охиридаги жами суммаси ва уларнинг келтирилган қийматини қуйидаги даврларнинг ҳар бириси учун очиб бериши керак:

- бир йилгача бўлган давр;

- бир йилдан беш йилгача бўлган давр;

беш йилдан кўп бўлган давр.

в) давр учун харажатлар сифатида тан олинган шартли ижара.

г) ҳисобот даври охирида муддатидан олдин бекор қилинмайдиган иккиламчи ижара келишувлари бўйича келгусида олиниши кутилаётган минимал ижара тўловларининг жами суммаси.

д) ижарачининг аҳамиятли ижара келишувларининг умумий тавсифи, шу жумладан қуйидагилар, лекин улар билан чегараланмаган:

- тўланадиган шартли ижара нима асосида аниқланганлиги;

- ижара келишувини қайтадан тузиш ёки ижарага олинган активни сотиб олиш ҳуқуқларининг ҳамда нархларнинг қайта кўриб чиқилиши тўғрисидаги шартларнинг мавжудлиги ва шартлари; ва

- ижара келишувлари бўйича қўйиладиган чекловлар, масалан дивидендларни тўлаш, қўшимча қарз маблағларини жалб этиш, ва янги ижара келишувларини тузиш бўйича каби чекловлар.

Бундан ташқари, ижарачилар молиявий ижара бўйича активларни олганида БҲХС 16, БҲХС 36, БҲХС 38, БҲХС 40 ва БҲХС 41 талабларига мувофиқ маълумотларни очиб бериши керак.

6- сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида эса, молиявий ҳисоботларда ва унга тушунтириш хатида қуйидагилар очиб берилиши лозим:

а) молиявий ҳисоботни тақдим қилиш санасида ижара (лизинг) объектлари ҳисобланган активлар қиймати тўғрисида маълумотлар. Мазкур ижара мулклари билан боғлиқ бўлган қарздорликларни (дебиторлик ёки кредиторлик) молиявий ва оперативга ажратган ҳолда бошқа қарзлардан алоҳида тан олиниши керак;

б) молиявий ижара бўйича ижара (лизинг) тўловларига тааллуқли мажбуриятларни умумлаштирилган шаклда, уларнинг суммаси ва тўлаш даври тўғрисидаги маълумотларни келтирган ҳолда;

в) салмоқли молиявий чекловлар, молиявий ижарани қайта тиклаш ҳуқуқлари, молиявий ижара объектларини харид қилиш ва молиявий ижара билан боғлиқ бўлган бошқа кутилмаган (тасодикий) ҳолатлар бўйича маълумотлар;

г) ҳар бир молиявий ҳисоботни тузиш санасига ижара (лизинг) тўловларининг қолдиқ суммаси ва ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) даромади ҳамда молиявий ижара объектининг кафолатланган қолдиқ қиймати;

д) молиявий ижара даври учун қопланмаган мажбурият қолдиғига доимий фоиз ставкасини олиш учун ижарага берувчининг (лизингга

берувчининг) даромади (молиявий ижара бўйича фоизлар)ни тақсимлашда фойдаланиладиган усул;

е) молиявий ҳисоботни тузиш санасига иккиламчи ижара (иккиламчи лизинг)дан олинishi кутилаётган келгуси ижара (лизинг) тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотлар;

ж) ижара шартномасининг муҳим шартларининг умумий тавсифи.

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади ўртача фойда меъёридан кам бўлмаган фойдага эришиш, шу орқали ўзининг ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш экан, бугунги кунда ижара фаолиятини ривожланишига ва унинг иқтисодиётда тутган ўрнини топишига тўсқинлик қилиб келаётган асосий сабаблардан бири мулкни ижарага беришдан кўра уни сотишнинг ёки мавжуд маблағни банк депозитларига қўйишнинг юқори самара беришидир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ижара муомалалари бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари қуйидаги хулосаларга келинди.

Ўзбекистонда ижара фаолиятини ривожлантириш, нафақат назария ва амалиётни умумлаштириш, балки хорижий, айниқса саноати ривожланган давлатларда ижара фаолияти ташкил қилиниш шакли ва усуллари ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб этади.

Халқаро стандартларга мувофиқ ижара пул маблағлари боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши мумкин, чунки бу ҳолда ижарага олинган актив қийматининг 100%игача молиялаштирилиши мумкин. Банк кредитлари одатда актив қийматининг 80% билан чегараланади, шунингдек ижарада қайд қилинган фоиз ставкаси тўғрисида келишиш мумкин, банк кредитлари учун эса сузувчи фоиз ставкалари билан тавсифланади. Ижара битимларини операцион ижара сифатида тузиш мумкин, бу ижарачига қарз чегаралари мавжуд бўлганда, балансдан ташқари бўлган ҳисоботни молиялаштиришга йўл очади. Ишга туширилиши узоқ муддатга тўхтаб туришларга эга бўлган ускуналарни тайёрлашга буюртма беришдан кўра, фойдаланишга тайёр бўлган ускуна ижарага олиш қулайдир.

Баъзида активларга фақат вақтинча, мавсумий ёки бир маротаба талаб бўлади, бундай ҳолда ижара доимо фойдаланишда бўлган активларга эгалик қилиш ноқулай бўлган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Эгалик қилишга нисбатан қисқа муддат ичида активларнинг ижараси ижарачига янги маҳсулотнинг янги маҳсулотнинг ва юқори технологиявий асбоб-ускунанинг эскиришидан “муҳофаза” қилишга имконият беради.

Устунликларидан ташқари ижарани камчиликлари ҳам мавжуд. Ижарага олинган активларнинг 100% молиялаштирилиши пул кўринишидаги юқори даражадаги фоизларни англатади. Мавсумий ижарада асбоб-ускуна керак бўлган пайтида топиш мумкин бўлади деб

кафолат бериб бўлмайди. Ундан ташқари, чегараланган ижара фоиз ставкалари белгиланиши мумкин.

Қисқа муддатли ижара асбоб-ускуна эскиришидан ҳимоя қилиши мумкин, аммо қисқа муддатли ижара ҳақи одатда узоқроқ муддатли ижара ҳақидан баланд бўлади.

Узоқ муддатли ижарада белгиланган ставка ижарага берувчи – кредиторни фоиз ставкаси кўтарилганда, зарарларни олиш таваккалчилигига йўлиқтиради.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб ижарага олуида ижаранинг куйдаги авзалликларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, ижара ижарага олувчининг молияланадиган активга бўлган эҳтиёжига аниқ мувофиқликда молиялашни таъминлайди. Бу кичик қарздорлар учун жуда фойдали. Чунки улар одатда жуда катта компаниялар каби ссудалар ёки тикланадиган кредит воситасида шунчалик қулай ва эгилувчан молияланиши мумкин эмас. Ижара шартномаси ижарага олувчининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тузилиши мумкин.

Иккинчидан, узоқ муддатли молиявий режани амалга ошириш мобайнида молиявий имкониятлар сезиларли даражада чекланади. Ижара бундай чекланишларни енгил имконини беради, шунингдек инвестицион ва молиявий режалаштиришда юқори ҳаракатчанликка ёрдам беради.

Учинчидан, ижара бир вақтнинг ўзида активларни харид қилиш ва молиялаштириш масалаларини ҳал қилиш имконини беради;

Тўртинчидан, ижара воситасида активларни харид қилиш "молиялаштиришнинг олтин қондаси"га риоя этади, унга кўра молиялаштириш активдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида амалга оширилиши керак. Агар харид қилишда қарз маблағларидан фойдаланилса, унда активдан фойдаланиш муддати тугагунига қадар қарзни қайтариш талаб этилади;

Бешинчидан, инвестиция қилинган маблағларнинг қайтарилишини таъминладиган қисми ижарага берувчининг мулки бўлмиш ижара предмети саналиши туфайли, ижара шартномаси унинг ушбу активларни сотиб олишга ссудалар олишига қараганда оддий бўлади;

Олтинчидан, ижарадан фойдаланишда ижарага олувчи ушбу активни сотиб олганга қараганда катта ишлаб чиқариш қуввати билан ишлаши мумкин. Вақтинчалик бўшаган молиявий ресурсларни у бошқа мақсадларга: қўшимча хом-ашё сотиб олишга, рекламага, икки сменали ишни ташкил қилишга ва бошқа шу каби мақсадларга ишлатиши мумкин;

Еттинчидан, одатда давлат сиёсати ижара операцияларини қўллаб-қувватлашга ва кенгайтиришга йўналтирилганлиги сабабли ижара маҳсулотларни сотиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш орқали узоқ вақт хизмат қилади;

Саккизинчидан, кам даромадлилик ҳолларида ижарага олувчи фойдани имтиёзли солиққа тортиш имкониятини берадиган қайтарма ижарадан фойдаланиши мумкин;

Тўққизинчидан, шартнома охирида ижара предметининг юқори тугатиш қийматини олиниш имконияти кўп ҳолларда ижарага олувчилар томонидан ижарани қабул қилиш учун белгиладиган ҳисобланади.

Ижарага олувчи учун ижара қуйидаги бир қатор камчиликларни ўз ичига олади:

Биринчидан, ижарада илмий-техник жараён туфайли ижара объекти эскирган тақдирда ҳам ижара тўловлари шартноманинг якунигача тўхтатилмайди;

Иккинчидан, ижарага олувчи ижара объекти қолдиқ қийматининг кўтарилишидан фойда кўрмайди.

Бизнинг фикримизча, ижаранинг яққол устунликлари келтириш ва камчиликларини билиш унинг инвестициянинг самарали шакли бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш учун етарлидир.

Илмий тадқиқотлар натижаларига кўра корхоналарда ижара(лизинг) хизмати кўрсатувчи мавжуд компанияларини самарали фаолият юритиши учун қуйидаги таклифларни амалга ошириш лозим.

1. Ижара билан шуғулланувчи корхоналар ёки лизинг компаниясининг хизмат кўрсатиш шакли ва ижара тўлови ҳисоб-китоблари буюртмачига танлаш ҳуқуқи бериш, зарур ижара тўлови миқдорини, бажарилган иш ва хизматлардан олган фойдаси ҳисобига тўлашни белгилаш;

2. Ижара хизмати барқарорлигини таъминлаш учун ижара тўловлари таркибидаги банк устама фоизини камайтириш;

3. Бирламчи ижара шартномаси билан олинган ижара объекти учун қишлоқ хўжалиги хўжаликларида устама қиймат фоизини қисқартириш;

4. Ижарага олинган объектлардан фойдаланишда ҳақиқий харажатлар калькуляцияси бўйича иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш;

5. Ижарани объектлари ва улар бажарган ишларни ҳисобини аналитик тарзда юритиш ва уларни бухгалтерия ҳисоби дастурлари ёрдамида бажариш;

6. Ижара билан шуғулланувчи корхоналар ёки лизинг компанияси ижара хизматини кўрсатиш натижасида тушаётган маблағларни бевосита хорижий ижара(лизинг) объектларини харид қилиши учун конвертация қилишда давлат томонидан кўллаб-қувватлаш чораларини кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш Республикамиз ижара фаолиятини ташкил этишда, ривожланишида ва пировардида мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди деб ўйлаймиз.

Соҳани ривожлантириш учун қулай шароитларни таҳлил қилиб, экспертлар, таҳлилчилар ва шарҳловчилар Ўзбекистоннинг лизинг хизматлари бозорини истиқболи порлоқ деб баҳолайдилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Қабул қилинган сана 25.12.2007, кучга кириш санаси 01.01.2008й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 26.12.1997 й. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 26.12.1997 й. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 30 август.
5. “Лизинг тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., “Адолат”, 1999.
6. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. №0-23. Т.: - 1998-2002 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 йил 28 августдаги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 15-16-сон, 2002 йил август, - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2002 йил -118 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 11 майдаги 54-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 1 июнда 1961-сон билан рўйхатга олинган «Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги» Низом.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Халқ сўзи, 2003 й. 28 январ.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166 сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилнинг 26 апрелдаги 199-сонли “Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 17-сон, 2004 йил, апрел, Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2004 йил.-197 модда.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилнинг 18 июндаги 123-сонли “Қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини янада кенгайтириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, -2007 йил.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

13. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари”— Т.: Ўзбекистон, 2009.
14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон. 2010

15. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: Ўзбекистон . 2011.
16. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон. 2012 йил
17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом еттириш. Т.: Ўзбекистон. 2013 йил.
18. Президент И.А.Каримовнинг “2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 17 январь 2014 й.
19. И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар етиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом еттириш йили бўлади. Т.: Ўзбекистон. 2014 йил.

IV. Асосий адабиётлар

20. Абдибаева Т.Ҳ., Мавлонов А.Х., Султонов Т.А., Асосий воситалар ҳисоби ва аудити;/ Ўқув қўлланма Т.: Фан ва технология, 2007;103 б.
21. Бошқарув ҳисоби 2. CARANA корпорацияси, Ўқув қўлланма. –Т.: “ЎзБАМА” 2010 й. –186 б.
22. Бакиева Х., Ризаев Н. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. –324 б.
23. Дўсмуратов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Янгийўл Полиграф Сервис, 2007. –352 б.
24. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби./Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия” 2008.
25. Ибрагимов А., Каримов А. Хорижий сармоялар бухгалтерия ҳисоби./Ўқув қўлланма–Т.: 2004 й.

26. Тулаходжаева М., Кучаров А. План счетов бухгалтерского учета основанного на международных стандартах. //Журнал Экономический вестник Узбекистана. 1999. № 9.
27. Ефримов А.А. Учет основных средств и учетная политика предприятия. –М.: Книжный мир. 1998. -112 с.
28. Молиявий ҳисоб 2. CARANA корпорацияси, Ўқув қўлланма. –Т.: “ЎзБАМА” 2010 й. –252 б.
29. Молиявий ҳисоб 1. CARANA корпорацияси, Ўқув қўлланма. –Т.: “ЎзБАМА” 2010 й. –157 б.
30. Қўзиев И. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Ўқув қўлланма. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2008.
31. Останакулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2007. –156 б.
32. Сотволдиев А. С. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. Т- "IQTISOD-MOLIYA", 2007 й. – 64 б.
33. Каримов А., Исломов Ф., Авлокулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.: Шарқ, 2004 й. –592 б.
34. Никитин В.Ю.Иностранные инвестиции: бухгалтерские, налоговые и правовые аспекты.; / Учебное пособие.; М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2011 г; 280 с.
35. Каморджанова Н.А., Катрошова И.В. Бухгалтерский финансовый учет 4-е издание дополненное «ПИТЕР» 2010г. 297с.
36. Беликова Т .Самоучитель Бухгалтерский и налоговый учет и отчетность «ПИТЕР» 2010г. 275с
37. Сотволдиев А.С. Финансовый и управленческий учет. Учебник. Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2012 й. – 280 б.
38. Ортиков Х.А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами. Тошкент, «НОРМА», 2010. — 528-б

39. Ортиков Х.А. ва бош Бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмалар тўплами. Тошкент, «НОРМА», 2010. — 368-б
40. Ғуломова Ф. Бухгалтерия ҳисобидан мустақил ўрганиш учун қўлланма. (янги таҳрирда)-Т. “Norma” 2010 й. –334б.
41. Ғадоев Е. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. Тошкент НОРМА. 2010.
42. Ғадоев Е. ва бошқ. Йиллик ҳисобот-2008. Тошкент: НОРМА, 2009.- 597б.
43. Ғадаев Э. и другие. Годовой отчет-2009. НОРМА, 2010.- 368 б.

V. Қўшимча адабиётлар.

44. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю. Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. -120 б.
45. Бабаев Ю., Бухгалтерский учет.; /Учебник.; М.: ТК Велби, 2005 г; 392 с.
46. Бабаева Ю., Бухгалтерский финансовый учет.; /Учебник; М.: Вузов. 2005 г; 525 с.
47. Рогуленко Т.М. Бухгалтерский учет; / Учебник; М.: Финансы и статистика, 2007; 368 с.
48. Кондраков Н.П. Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет.;/ Учебник. М.: ТК Велби, Издво Проспект, 2007; 448 с.
49. Финансовый учет.; /Учебник.; М.: Финан. И статист, 2008; -784 с.
50. Антоненко И., Бухгалтерский учет и налогообложение лизинговых операций.;/ Учебное пособие. М.: «Бухгал. Учет» 2005; 136 с.Е.М. Правовые основы бухгалтерского, налогового и бюджетного учета; / Учебное пособие.; М.: Юриспруденция, 2008; 112 с.
51. Белов А.А., Бухгалтерский учет; / Уч. пособие; М.: Книжный мир, 2008 г; 748 с.

52. Богаченко В.М., 3000 основных бухгалтерских проводок;/ Учебнопрактическое пособие; Ростов на Дону, ФЕНИКС, 2008 г; 352 с.
53. Кузнецова В.А. Организация бухгалтерского и налогового учета на предприятиях с иностранными инвестициями; / Учебное пособие.; М.: Бераторпаблишинг, 2008; 352 с.
54. Никитина В., Бухгалтерский учет и налогообложение операций с ценными бумагами;/ Практическая пособие.; М.: «Экзамен», 2008; 368 с.
55. Николаева Г., Бухгалтерский учет в торговле; / Учеб. Прак. Пособ.; М.: Приориздат, 2008; 352 с.
56. Николаева О., Управленческий учет; / Учеб. Пособ.; М.: УРСС, 2008; 320 с.
57. Новодворский В., Бухгалтерская отчетность организации.; / Учебное пособие. М.: «Бухгалтерский учёт», 2008; 376 с.
58. Новодворский В.Д. Бухгалтерский учет на малых предприятиях;/ Учебник; М.: ТК Велби, Издво Проспект, 2007; 296 с.
59. Новодворский В.Д., Л.В.Пономарева, Комментарии к новым формам бухгалтерской отчетности организации.; Уч. пособие; М.: «Бухгалтерский учет», 2007; 192 с.
60. Паклар А.Н. Налоговый учет; / Учебное пособие; М.: ЗАО Юстицинформ, 2007; 544 с.
61. Патров В. Бухгалтерская отчетность организации;/Учебное пособие. М.: МЦФЭР, 2008; 432 с.
62. Полисюк Г.Б., Упрощенная система налогообложения, учета и отчетности малых предприятий.; / Учеб. Пособ.; М.: «Палеотип», 2008; 164 с.
63. Полякова С.И. Бухгалтерский учет; / Учебное пособие.; М.: ИНФРАМ, 2007; 391 с.
64. Рожнова О.В., Учет и налогообложение в субъектах малого предпринимательства;/ Уч. пособие; М.: «Экзамен», 2007; 128 с.

65. Сборник задач по бухгалтерскому учету с решениями.; / Учеб. Пособ.; М.: ТК Велби, 2007; 704 с.
66. Сугаипова И.В., Бухгалтерская финансовая отчетность; / Уч. пособие; Ростов на Дону, ФЕНИКС, 2007; 224 с.
67. Тепляков А.Б. Оформление первичных документов в бухгалтерском учете и налогообложении;/ Учебное пособие.; М.: ГроссМедиа: РОСБУХ, 2007; 304 с.
68. Жўраев О.Н. Молиявий инвестициялар хисоби ва аудитини такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. Иқт.фан.номзодлик диссертацияси автореферати.- Т.; 2005. -152 бет.
69. Иқтисодиётни модернизациялашда солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишдаги солиқ механизмнинг ўрни, 14-15 май 2009 йил. Солиқ академияси.
70. Bromwich M., Hong Ch. Activity-based costing systems and incremental costs. // Management Accounting Research, 1999. № 10, p. 39-60.
71. Goldratt E. M. Cost Accounting: The Number One Enemy of Productivity. International Conference Proceedings, American Production and Inventory Control Society. 1983.
72. Goldratt E. M. From Cost World to Throughput World. // Advances in Management Accounting. 1992. P. 35-53.
73. Goldratt E. M. It's Not Luck. Great Barrington, MA: North River Press, Inc., 1986.
74. Greeson CB., Kocakulah M.C. Implementing an ABC Pilot at Whirlpool. // Journal of Cost Management. March/April 1997. P. 16-21.
75. Kaplan Robert S. The Four Stage Model of Cost System Design. // Management Accounting. February 1990, p. 22-26.

76. Williamson D. Cost and Management Accounting. Prentice Hall Europe, 1996.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

77. “Бозор, пул ва кредит” журнали. –Т.: 2007-2013 йиллар.
78. “Солиқ тўловчи” журнали. –Т.: 2007-2013 йиллар.
79. “Солиқ ва божхона хабарлари” газетаси. –Т.: 2007-2013 йиллар.

VII. Интернет сайтлари

- [http:// www.fmc.uz](http://www.fmc.uz). (Ўз. Рес. Молия Вазирлиги)
- [http:// www.buh.uz](http://www.buh.uz). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
- [http:// www.berator.uz](http://www.berator.uz). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
- [http:// www.cipa.uz](http://www.cipa.uz). (CIPAENнинг расмий сайти)
- [http://www. taxsites.com](http://www.taxsites.com). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
- <http://www.accounting.com>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
- <http://www.fasb.org>. МҲҲС бўйича расмий сайт
- <http://www.buhgalteria.com.ua>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
- <http://www.lc.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
- <http://www.gaap.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
- <http://www.glavbukh.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
- <http://www.saldo.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)
- <http://www.lex.uz> (Ўз. Рес. Адлия Вазирлигининг қонунчилик бўйича сайти)
- <http://www.stat.uz> (Ўз.Рес. Статистика қўмитасининг расмий сайти)